

АБДУЛАЕВ Н.
РАШИДОВ Ж.




ГРАФИКА
АШЁЛАРИДА
ИШЛАШ

ЎЗ
764, 2
A 15
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Н. АБДУЛЛАЕВ, Ж. РАШИДОВ

ГРАФИКА АШЁЛАРИДА ИШЛАШ



ТОШКЕНТ
«INFO CAPITAL GROUP»
2018

УУК: 76.022 (075.8)

КБК: 85.15

А 15

Такризчилар: Низомий номидаги ТДПУ профессори,
п.ф.д. С.С. Булатов

Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ Миниатюра
ва китоб графикаси кафедраси доценти Н.Т.Хусанов

Абдуллаев Н., Рашидов Ж.

Графика ашёларида ишлаш/ ўкув қўлланма – Абдуллаев Н.,
Рашидов Ж Т.: “Info Capital Group”, 2018. – 80 б.

Ушбу қўлланма 1-курс дастгоҳ ва китоб графикаси йўналиши-
нинг “Графика ашёларида ишлаш” фани учун ёзилган. Қўлланма III
бобдан иборат бўлиб, I боб асосий график ашёларни қамраб олган.
II бобда литография ва унда ишлаш жараёнлари кенг ёритиб берил-
ган. III бобда фан дастури бўйича 1-2-семестрнинг “Натюроморт”,
“Мъеморий ёдгорликлар иштирокида манзара” ва “Нусха олиш”
амалий вазифалари батафсил очиб берилган.

*Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйргугига асосан
нашрга тавсия қилинган.*

УУК: 76.022 (075.8)

КБК: 85.15

ISBN 978-9943-5341-1-7

© Н.Абдуллаев, Ж. Рашидов, 2018.

© «Info Capital Group», 2018.

КИРИШ

Истиқолимиз қўлга киритилган илк кунларидан бошлаб ҳозирги давр мобайнида тасвирий санъат ҳамда таълим соҳасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Ватанимизнинг эртандиги тақдирни қандай бўлиши кўп жиҳатдан айнан ёш авлодга боғлиқдир. График рассомлар кенг маънодаги назарий ва амалий тайёргарликдан ўтиши лозим. Улар зукко, нозиктаъб, эстетик маданият эгаси сифатида шаклланишлари учун эгаллаган билим ва кўникмаларидан унумли фойдаланишлари, мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётига астойдил хизмат қилишлари зарур. Келажакда бу мақсадларни амалга ошириш учун ижодкорлар ўз билим доираларини кенгайтириб, ҳаётдаги воқеаларни кузатиб боришлари, тараққиётнинг янги ютуқлари билан танишишлари, ўз билимларини кенгайтиришлари зарур бўлади. Ҳар томонлама етук шахс сифатида камол топишлари, ва албатта, ўз танлаган касбларининг чин маънодаги устаси бўлиб етишишларида биз устозларга шарафли ва улуғвор вазифа юкланди.

Графика ашёларида ишлашни ўқитишдан мақсад графика йўналишида фойдаланиладиган ашёлар: қалам турлари, юмшоқ ашёлар сувбўёклар, қофоз турлари, мўйқалам турлари ва уларни тайёрлаш, ҳамда фаннинг асоси бўлмиш тошбосма, линогравюра, ксилография, офорт технологиялар билими ва кўникмаларини беришдан иборат. Ушбу қўлланма босиб чиқариш жараёнининг техника ва технологияларидан амалда фойдаланишга кўмак беради.

I БОБ. ГРАФИКА АШЁ ТУРЛАРИ

1.1 ГРАФИКА БОСМА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ижодкор, авваломбор, ашё турларидан фойдаланганда, улар қандай хусусиятга эга ва уларнинг орасидаги фарқларни мукаммал ўрганишлари лозим. Ундан сўнг эса ижодкор яратадиган асарининг мазмун моҳиятини, унинг композицион ечимини тўғри намоён этишда ашёнинг қайси тури орқали эришиш мумкин эканлигини ўзига мақсад қилиб олади.

1.1.1. Гравюра

Гравюра (французча – «гравуре», гравер – кесиш) графика тури бўлиб, сурат тўғридан-тўғри қофозга чизилмайди, тасвир аввал бирор қаттиқ юзага ўйилади, сўнг шу қаттиқ юзага бўёқ суртилиб қофозга босиб чиқарилган санъат асарларига айтилади.

Қаттиқ юза вазифасини металл (мис, рух, пўлат) пластина, ёғоч (пальма, нок, олма ва беҳи) тахтача, картон, линолеум ва пластик ойна (оргстекло) бажариши мумкин.

Графика босма технологиялар классификация бўйича учта асосий турга бўлинади:

Юқори босма – босма элементлар босма шаклнинг юзасида жойлашади, бўёқ юза қисмда ётади.

Чуқур босма – босма элементлар босма шаклнинг чукур қисмларида жойлашади, бўёқ чукур қисмларда ётади.

Ясси босма – босма шакл ўйилмайди, босма қисмлар ва босилмайдиган қисмлар бир текисликда жойлашиб, сатҳда рельеф ва чукурликлар бўлмайди.

Трафарет босма – бўёқ трафарет босма шаклнинг ичидан кириб ўтиб босиш материалига ётади. Босилмайдиган қисмлар трафарет услубида ҳимояланган бўлиб, бўёқ шу қисмларга синга олмайди.

Босма турларнинг классификацияси			
Юқори босма	Чуқур босма	Ясси босма	Трафарет босма
Ксилография	Офорт	Литография	Шёлкография
Линогравюра			

Гравюранинг устун жиҳати шундаки, унда бир босма шаклдан маълум нусха босиб чиқариш имкони борлигида. Ҳар бир босилган нусха ўз қийматини йўқотмайди ва асл нусха ҳисобланади, чунки муаллифнинг қўллари билан ишланган босма шаклдан нусха олинмоқда. Босиб чиқарилган нусха, эстамп деб юритилади.

1.1.2. Эстамп

Эстамп (французча – «эстампе» – кўпайтириш) босма шаклдан олинган қозоғ ёки бошқа ашёдаги асар нусхаси, яъни босма усулда санъат асарини кўпайтириш (гравюра, литография, линогравюра, офорт, монотипия), эстамп санъати деб юритилади. Эстамп оқ-қора ва рангли қўринишда бўлади. Фон ўрнида оқ ёки турли тусдаги рангли қофозлардан фойдаланилади. Босилаётган сувратга танланган бўёқ ранги, танланган қофозга тўғри мос келишига эътиборни қаратиш зарур.

1.1.3. Линогравюра

Линогравюра (инглизча – «Линокут») линолеумдаги гравюра бўлиб, босма шакл сифатида линолеумдан фойдаланилади ва юқори босма турига киради. У XX аср бошларида вужудга келган ва кенг тарқалган.

Линогравюранинг асосий хусусиятлари. Оқ-қора рангларнинг кескинлиги, лаконизм, катта ўлчамдаги эстампларни боса олиш, ускунасиз босиш имконияти борлиги.

Линогравюрада яхлит тусларни ва штрихли қисмларни

бир хилда жонли, ёрқин акцент билан аниқ ифодалай олиш рассомларга кенг ижодий имкониятлар берди.

Хеч қандай босиши тури бунчалик оммалашиб, халққа тез танилмаган. У илк пайдо бўлган даврларда ярмарка ва бозорларда арzon бўлиб, оддий меҳнаткаш оиласалар уйини безашга хизмат қилган. Унинг роли ўзгарган бўлса-да, у ҳозир ҳам тасвирий санъатни оммага етказиб берувчи энг яхши воситадир.

1.1.4. Ксилография

Ксилография (юононча – «ксилон» – ёғоч тахтача, «графо» ёзаман, чизаман) ёғочдаги гравюра бўлиб, босма шакл сифатида ёғочдан фойдаланилади ва юқори босма турига киради. Ёғоч гравюрасининг тарихи қадимги даврларда Хитойдан бошланади. Гравюра Европада XIII асрда пайдо бўлиб XV-XVI асрларда гуллаб яшнади. Уша асрларда Европада дастгоҳ, сўнгра китоб гравюраси ривожлана бошлади. Хитой ва Япония гравюрачи рассомлари асосан халқ ҳаётидан олинган сюжетлардан иборат асарлар яратдилар. Японияда XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида рангли гравюрага асос солинди, бунга рассомлар Утамаро ва Хокусан ижоди мисол бўла олади. Эстамп уйларнинг безаги бўлиб қолди.

1.1.5. Офорт

Офорт (французча – «эау-фортэ» – кучли ароқ, яъни азот кислотаси) металлдаги гравюра бўлиб, босма шакл сифатида металлдан фойдаланилади ва чуқур босма турига киради. Металлда сурат кислотада ишқорлашдан ёки қуруқ ўйилишдан ҳосил бўлади. Босма тасвир туси штрих ботиклиги даражаси ва у ерда қолган бўёқ миқдорига bogлиқ бўлади. Офортни оқ-кора ва рангли кўринишда ишлаш мумкин.

Босма шаклга ишлов берши жараёни. Пластинаға ишлов бериш механик воситалар ёрдамида маҳсус пўлат асбобларда ёки кислотада ишқорлаш орқали бажарилади. Мис ёки рух пластиналари обдон силлиқланиб, сўнгра бироз қиздирилиб ва маҳсус лак билан грунтланади. Лок таркиби шагам, мум, қорасақич, асфальт ва мастикадан иборат. Офорт, тушъ перода бажарилган чизматасвирга яқинdir.

Пластина совиб, лак қотгач, маҳсус пўлат гравюра игнаси ёрдамида чизиқлар ҳосил қилиб суврат ишланади. Тирналган чукурлик металл юзасигача етиб бориши керак, чунки пластиналари азот кислотанинг сув билан аралашмаси ёрдамида (маҳсус ванначада) ишқорланганда, металнинг очиқ қисмлари кислота таъсирида чукурлашади, локланган ерларига кислота таъсир этмайди. Пластиналар турли жойларида элементларнинг ишқорлаш вақти, давомийлиги турлича бўлади ва шунинг натижасида штрихлар кучи енгил ёки жонли кўринади.

Игнақалам билан тирналган штрих офортнинг асосий энг содда кўринишларидан бири бўлиб, қуруқ игна деб номланади. Ундан ташқари, офортнинг бир қатор бошқа турлари мавжуд. Акватинта, лавис, юмшоқ лак, қуруқ игна, меццо-тинто офорт технологиялари ҳам металл пластиналарда бажарилади. Офортни оқ-қора ва рангли кўринишда ишлаш мумкин.



1-расм. Босма шаклни тайёрлаш жараёни

¹ Dwight Pogue. Printmaking Revolution – New York: Watson-Guptill, 2012, page 162.

1.1.6. Литография

Литография (грекча «Литос» – тош, «графо» – ёзаман, тасвирлайман) босма шакл сифатида тошдан фойдаланилади ва ясси босма турига киради. Германиялик А.Зенефельдер томонидан 1796-1798 йил кашф этилган. XIX аср бошида литография матбаачиликда кенг тарқалиб, китобларни безашда унумли фойдаланилган.

Босма шаклга ишлов берии жараёни. Махсус литография тошга элакдан ўтказилган майда қум ва сувни сепиб, устига тош бостириб айланы ҳаракатда силлиқланилади. Тошга ёг қалами дермотограф ва стеклограф ёки махсус тушь воситасида тасвир чизилади. Махсус ишқорлар билан ишлов берилгач, тошга валик ёрдамида бўёқ суртилади. Литография махсус дастгоҳда босилади. Литография техникаси рассомга эркин ижод қилишга имконият беради. Литографияда жонли, ранг-баранг, нозик штрих ва текис бўяш, яримсоя ва рефлексларнинг нозик ўйинини кўрсатиш мумкин.



2-расм. Тошга сурат ишилаи жараёни

² Dwight Pogue. Printmaking Revolution – New York: Watson-Guptill, 2012, page 23

1.1.7. Шёлкография

Шёлкография (инглизча – «Силк», – «серене», франц.– Се-риграпхie) босма шакл сифатида ипакдан фойдаланилади ва трафарет босма турига киради. Шёлкография ёрқинлиги колоритнинг декоративлиги, тасвиринг бўртмалиги билан ажralиб туради. Унинг ёрдамида, тасвирий санъат асарларининг сифатли репродукцияларини босиб чиқариш мумкин. Хитой ва Япониядан келиб чиққан бу техника XX асрда Европада пайдо бўлди.

Босма шаклга ишлов берин жараёни. Дастлаб рамкага майда тўрли ипак мато тортилади, босилмайдиган қисмлар бўёқ ўtkазмайдиган ашё билан ёпилади. Бўёқ мато устига қуйилади ва эзib мато орқали пастдаги текисликка ўtkазила-ди. Шу тариқа тасвир қозоннинг юз қисмига тушади.



3

3-расм. Шёлкографияни босиши жараёни

³ Dwight Pogue. Printmaking Revolution – New York: Watson-Guptill, 2012, page 224

Назорат учун саволлар:

1. «Графика ашёларида ишлаш» фани нимани ўргатади?
2. Гравюра нима?
3. Эстамп нима?
4. Ксилография қандай босма усул?
5. Линогравюра қандай босма усул?
6. Офорт қандай босма усул?
7. Литография қандай босма усул?
8. Шёлкография қандай босма усул?

Амалий топшириқлар:

- a) Графика босма усулларини бир-бираидан фарқлашыда репродукцияларни күриб чиқши.
- б) Шёлкография ва литография босма усуллари қандай жиҳатлари билан ажralиб туради.
- в) Линогравюра билан ксилография босма усуллари қандай жиҳатлари билан ажralиб туради ва ўхшашик жиҳатларини күзатинг.

1.2. ҚАЛАМ ТУРЛАРИ.

Қалам тасвирий санъатда мухим ўрин эгаллади. Рангли қаламларнинг имкониятлари ҳам графикада аҳамияти катта. Сиёхга тўлдирилган «Гель» ручкалари фломастерлар ҳам, ўзига яраша бетакрор пластика яратади, худди рангли гравюрадек эфектга эга. Оддий грифел қалам турли хил катталикда бўлади, гоҳ қаттиқ, ингичка гўё михдек, гоҳида юмшоқ, кенг гўё бўрдек. Қалам турлари қандай юзага (ялтироқ ёки дагал қоз, картон, оқ ва рангли қофоз) чизилишига қараб турли эфектлар ҳосил қиласди.

1.2.1. Графит қалам

Чизматасвирда энг күп ишлатиладиган, энг оммалашган иш қуороли бу «графит» қора қаламдир. Графит қалам жуда узок үтмишдан, турли күринишга эга бўлган ҳолда бизгача етиб келган. Унинг тарихи Англияга бориб тақалади, инглизча номланиши «пенсил», лотинчада «пенсилис» «кичик дум» маъносини билдиради. Олдинги қалам тури «плюмбум» қўрғошиндан тайёрланган бўлиб устига ёғоч стержен билан қопланган, лекин у яхши чизмагани туфайли йўқолиб кетган. Ҳозирги замон қаламининг яратилиши Англияда рўй берган бўрон билан чамбарчас боғлиқдир. 1564 йилда Борроудея яқинида бўрон туфайли илдизи билан ағанаб тушган дараҳт сабабли «соғ графит» ёки «қора углерод» қаттиқ ҳолатда пайдо бўлди.

Тайёрлаши усули. Графит кукуни лой билан аралаштирилади ва тайёр бўлган пастани квадрат дюмга 60 тонна босим билан майда тешикчалардан сиқиб чиқарилади. Тешикчалар катталиги графит қалам ҳажмидаги бўлади. Сўнг оқаргунча иссиқда тобланади. Тайёр бўлган графит ёғоч қолипчаларга жойланади.

Ана шундай узок машаққатли жараён туфайли, қаламга ҳурмат ва фахр билан қарашган. Қаламни қаттиқ ва юмшоқ тури бўлади. Графит қалами юмшоқ (M), қаттиқ (T) ва ўртача юмшоқликда (TM) ишлаб чиқарилади. Унинг ҳозирда яна юмшоқ (B), № B2-B4-B6, қаттиқ (H) № H2-H5 ва ўртача юмшоқликда (BH) ҳам чиқарилмоқда. Ўта қаттиқ қаламлар асосан лойиҳа чертёжида фойдаланилади. Қалам танлаш, албатта, чизмага қўйилган мақсаддан келиб чиқади, айтайлик контраст тусдаги шакллардан иборат натюромортни ифодалаш учун юмшоқ қаламдан фойдаланилади. Италян қалами ташки кўринишидан оддий қаламлардан қолишмаса-да, бироқ таркиби куйдирилган ўсимлик елими билан қотирилган бўлиб, ишлатганда ўзидан рангдор чизиклар қолдиради. Ўша пайтда Италияда кашф этилган

қаламлар, албатта, ҳозир йўқ, бизгача эса бир нечтаси етиб келган, аммо уни тайёrlаш усули ва ушбу қаламда ишланган суратлар сақланиб қолган. Айниқса, Овропанинг буюк рассомлари, ушбу қаламда ноёб график суратларни келажак авлод учун қолдириб кетганлар.

Чизишни бошлашдан олдин иш тўхтаб қолмаслиги учун 3-4 та қаламни очиб олиш тавсия этилади. Қаламни бошланниш қисмидан 2-3 см пастдан мўлжаллаб очиш тавсия қилинади, очиладиган грифель қисми 1 смдан кам бўлмаслиги керак. Қаламни тушириб юбормасликка ҳаракат қилинг, йўқса графит қисми ичидан синиб қолади.

1.2.2. Ретушь

Ретушь қаламининг чизматасвирда мавқейи графитга қараганда паст эмас. Оддий графит қаламга нисбатан у ёруғ ва тўқ тусларнинг констрастлилигини ифодалашда аҳамияти катта. Прессланган кўмир ашёсини ёғоч стержни ичига жойлаштирилиб, ретушь деб номланган фойдаланишга қулай қалам яратилди. Силлик қоғоздан ташқари барча фактурага эга қоғозлар, турли рангдаги картонлар, бўз, сурп ва матоларга ҳам суврат ишлаш мумкин. Ретушда ишлаш ўзига ҳос тажриба талаб қиласи, хатога йўл қўйилганда, уни деярли тузатишга умид йўқ. Унинг шаклини ўткирлаб туриш учун алгоритм картончага майда фактурали қумқогоz парчасини елимлаб кўйиб фойдаланиш тавсия этилади.

Иш тугагач, албатта суврат, суркалиб кетмаслиги учун (фиксатив) котирувчи суюқлик билан ишлов берилади.

1.2.3. Стеклограф

Стеклограф юқмайдиган қалам бўлиб, асосан, графика-нинг тошбосма (литография) услубида кенг қўлланиллади, айниқса, силлиқ юзали қоғоз, ойна, пластик каби материалларга

сурат ишлашда муаммо туғдирмайды. Үнинг бир неча ранги мавжуд. Қалам бир қанча талабларга жавоб беріши керак яғни, пичоқ ёрдамида енгил очилиши, мұрт бүлмаслиги (енгил босим билан чизганда синмаслиги), қалам билан чизилган чизгінинг енгил үчиши, сатхда енгил ҳаракат қилиб қофозни тиrnамаслиги, бир хил босмда бир хил қалинликда чизик қолдириши кабилар.

Тайёрлаш усули. Қалам ясаш учун графит, каолин, гипс, куйган сүяқ, қора курум ва оз микдорда елим керак бўлади. Яхши қалам ашёси бир квадрат сантиметрда 16 000 тешикчалари бўлган элакдан ўtkазилади. Хомашёлар аралашмасидан ҳосил қилинган қаламчалар 100°C иссиқликда 5-6 соат куритилиб, $150-250^{\circ}\text{C}$ да 2-3 соат қиздирилади. Тошга суврат ишлаш жараёни, худди қофозга оддий қаламда ишлов берилгандек услубда қўлланилади.

Назорат учун саволлар:

1. Қандай қалам турлари мавжуд?
2. Графит қалам қандай хусусиятга эга?
3. Ретушь қалами қандай имкониятларга эга?
4. Стеклограф бошқа қаламлардан қай жиҳатлари билан фарқланади?

Амалий топшириқлар:

- a) Графит қаламининг қаттиқ ва юмшоқ турларини амалда қўллаб кўринг.
- б) Ретушь қаламини қўллашда бошқа қаламлардан фарқли жиҳатларини синаб кўринг.
- в) Стеклограф қаламида бир неча амаллар бајсариб кўринг.

1.3. ГРАФИКАДА – ЮМШОҚ АШЁЛАР

1.3.1. Сангина.

Сангина меллар орасида ажралиб туриб, қизил гоҳида түк қизғиши рангли худди қайноқ қон каби тусда бўлади. Француз рассомлари шунинг учун ҳам «сангина»ни беъжиз «қонли» «қизил қонли» деб аташмаган. Бу ёқимли жигарранг тусдаги қобиқсиз қалам қозоз, картон, фанер, мато сатҳларида ишлашга қулай. Фойдаланишда енгил, бўяш ва қоплаш хусусиятлари кучли бўлиб, унинг таркиби каолин, мел, темир зангидан иборат.



4-расм. Сангина

Мана беш юз йилдан ошган бўлса ҳам ва «сангина» номи шунчалик ҳаётимизга чуқур ўрнашиб қолди ва уни ашё сифатида кўнчилик севиб қолди. Сангина инжиқ эмас шу сабабли у бутун Европа бўйлаб тарқалди. Илгари қизил бўрни табиатдан олишар эди, ҳозир эса фабрикада тайёрлайдилар. Уни штрих усулида, ҳамда пахта ва юмшоқ матода ишқалаб ишлатиш ҳам мумкин, агар жуда қаттиқ босмай енгил тусда ишлатилса, ўчиргичда ўчириш мумкин.

1.3.2. Соус

Соус сангинага, пастелга ўхшаш бўлиб, қобиқсиз ва бўяш хусусияти кучли бўлган ашё. Уни қуруқ ҳолда ва сув билан аралаштириб ишлатиш мумкин. Таркиби қора қурум ва каолин. У бўрсифат материал бўлиб, қора, жигарранг, оч кўкимтири, қорамтири хиллари мавжуддир. Фолгали зар қофоз билан белигача ўралган бўлади. Олдиндан идишга ивитиб кўйилган «соусни» худди «сув бўёқ» сингари қозига юзига мўйқалам билан ёйиб чиқилади. Қофозга қаламда чизиш учун хира тус беришда ҳам фойдаланилади. Соус қофоз юзида баҳмал каби юмшоқ чизик қолдиради ва тасвирини енгил нозик қилиб кўрсатади.



5-расм. Соус

Иш тугатилгач, суврат юзини ҳимоялаш мақсадида кони-фолнинг спирт билан аралашмаси ёки ёғсизланган сут, пуркагич (пуловизатор) ёрдамида бир неча марта сепилади. Ҳозирда эса сувратларни ҳимояловчи «Фиксаж» каби воситалар саноатда кўплаб ишлаб чиқарилмоқда, ҳатто «соҷ локини»

ҳам сепилса, яхши натижа беради. Узоқ муддатта сақлаш учун сувратлар маҳсус папкаларда сақланади, суврат юзига калка ёки юпқа қоғоз ёпилади.

1.3.3. Пастель

Пастель бу турли ранглардаги қобиқсиз бүлган қаламчалардир. Худди сангина, соусга ўхшаш шакл ва хусусиятга эга бўлиб паста, хамир маъносини билдиради.

Авваллари, рассомлар ундан рангтасвир ишларининг рангли эскизларини ишлашда фойдаланишган. Лекин кўп рассомлар пастель ёрдамида мустақил якунланган асарлар ҳам ишлашган. Бу ашёнинг ўзига хос томони шундаки, у сатҳни яхши қоплаб, духобасифат товланади. Пастель учун жуда майдаланган, ёруққа чидамли, қоплаш хусусияти юқори бўлган пигментлар танлаб олинади. Уваланиб кетмаслиги учун трагант елими оз миқдорда қўшилади. Икки хомашё аралашмаси хамир ҳолатига келтирилиб, қолип ёки темир трубалар ёрдамида шакл бериб қуритилади. Пастель қаламчаларининг оч ва тўқлиги уларнинг таркибидағи оқ пигментнинг миқдорига боғлиқ.



6-расм. Пастель

1.3.4. Күмир ва күйдирилган ёғоч қаламчалари

Күмир ва күйдирилган ёғоч қаламчалари (уголь рисовальный) қозоз, картон, мато, фанер, девор сатхлариди бирламчи чизгиларни чизишда, эскиз ишлашда кенг фойдаланилади. Шакли дараҳт новдачаларини эслатувчи бу ашё тол ва қайнин дараҳтларининг новдаларини күйдириб ҳосил қилинади.

Тайёрлаши усули. Цилиндр идишга новдачалар зич қилиб солиниб, қум билан идиш ичи тўлдирилади. Идиш қопқоги зич ёпилиб, лой билан сувалади ва олов ёрдамида қиздирилади. Маҳсулотнинг тайёр бўлганини қопқоқ устидаги маҳсус кичик тешикчадан чиқадиган тутуннинг тўхташидан билинади.

Куйган новда қаламчаларининг сифати сатҳда енгил ҳаракатлар ёрдамида чизиши, қозоз сатҳини тирнамаслиги, қўлдан тушиб кетганда синмаслиги, чизилган чизгилар сатҳ устидан юмшоқ латта ёрдамида енгил ҳаракат билан ўчиши кабилар билан белгиланади. Бу қаламчалар ёрдамида мустақил якунланган ишлар маҳсус локлар ёрдамида қотиришни талаб қиласи. Сангина кўмирда ишлаш учун эса қозозни аччик чой, тамаки аралашмаси, кофе билан қофозни ҳам туслаб олса бўлади.

Кўмир қалам қозоз юзида ҳаракатланганда шитирлаб, қуюқ қора баҳмал сифат ноёб гўзал из қолдиради. Кўмир қаламчаси, пастель, сангина ўзининг ташки кўриниши қаламдан сезиларли даражади фарқ қиласи. Уларни ёғоч орасига жойлаб бўлмайди. Ишлаётган пайтда қўлни ифлос қилмаслиги учун уларни зар қофозга ўраб қўядилар. Кўмирни бармоқ ёки латта бўлаги билан ишқалаб очартириш осон. Энг муҳим камчилиги, у қофоз билан жипслашиб қофозга сингиб кетмаслигидир. Шунинг учун, кўмирни ғадир-бутир қаттиқ ва пишиқ қозоз юзасига ишлаган мақул. Кўмирнинг оддий ва прессланган тури мавжуддан «мўлроқ» ишлатган маъкул, тез чизгиларда қўлланилганда катта яхлит қисмларни бир



зумда ёпиб олиб тусларга ажратишга қулай, майда қисмлари-гача аниқлаштириш, керак бўлса бармоқда ишқалаш, юмшатиш ёки тўклиштириш мумкин. Очартириш керак бўлса, юмшоқ ўчиргич фойдаланилади. Ундан фойдаланганда қофозни ифлосланишидан эҳтиёт бўлиш керак. Иш тугатилгач, сурат юзини ҳимоялаш мақсадида қотирилади.

1.3.5. Ўчиргич

Ўчиргич фойдали ашё, қачонки ундан билиб фойдаланилса, агарда ҳаддан зиёд кўп ўчирилса, қофоз шундай холатга келиб қоладики, ҳатто чизмани давом эттиришга ҳам имкон қолмайди. Айниқса, ўчиргични иш бошлиш жараёнида ва ҳаддан зиёд босиб ўчиришдан ўзини тийган маъқул. Ўчиргич икки хил бўлади: юмшоқ ва қаттиқ. Юмшоқ ўчиргич қаламлар учун ишлатилса, қаттиқ ўчиришда тушь ёки краскаларни ўчиришда фойдаланилади. Иложи борича ўчиргичдан камроқ фойдаланиш лозим. Сувратнинг аниқ чизмасини топгандан сўнг ўчириш мумкин. Агар чизматасвирни нозик чизиқлар билан қаламни қофоз юзасига енгил теккизган ҳолда ишланса, ўчиргичга ҳам ҳожат қолмайди. Чизмани куришда ва аниқлик киритишда, аниқ топилган чизиқларни кучайтирилса, керак-мас ноаниқ чизиқлар ўз-ўзидан билинмай, кўринмай кетади. Агарда, бъзви кераксиз чизиқлар барибир халақит қилган тақдирда, уларни иш тугаш олдидан олиб ташлаш мумкин. Умуман, ўчиргичга камроқ мурожаат қилишга ўрганиш керак, агар жуда ҳам эҳтиёж сезилса, иш тугаш олдидан, ёруғ қисмларни аниқлаштириш, (блиқ) ялтироқ доғни, рефлексни кучайтириш учун фойдаланганимиз маъқулдир. Тасвирни куриш жараёнида, йўғон чизиқлар билан қаламни ҳаддан зиёд босиб ишланганда, ўчиришга тўгри келиб қолса, яна қайта тасвир чизилади ва яна ўчирилади, шунда қофоз юзаси (фак-

тураси) бузилиб, титилган ёқимсиз ҳолатга келиб қолади ва қалам, қозоз юзига яхши ётмайди, чизма суврат эзғиланган ҳолатга келиб қолади. Резинка (ластик)нинг ҳолатини тұғри сақлаш учун уни тозаланган бензин солинган шиша идишга 2-3 кунга солиб қўйилади. Шишган ўчирғични идишдан олиб уни нам шимадиган оддий қоғозга ўраб қўйилади. Сўнг уни сувда бироз қайнатиб олинса, бемалол ишлатса бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Графикада юмишоқ ашёларнинг аҳамияти қандай?
2. Сангина қандай хусусиятга эга?
3. Соуснинг қўллаш усуллари қандай?
4. Пастельнинг имкониятлари қандай?
5. Кўмир ашёсининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
6. Ўчирғичдан фойдаланишининг қоидалари қандай?

Амалий топшириқлар:

- a) Сангинани қоғозда турли усулларда синааб кўринг.
 - б) Соус ашёсини қуруқ ва эритилган ҳолда қўллаб кўринг.
 - в) Пастел ашёсида машқлар бајсариб кўринг.
 - г) Ёғоч қаламчаларини куйдириб кўмир ашёсини тайёрланг ва синааб кўринг
- д) Ўчирғичдан фойдаланиши ва уни яхши сақлаш қоидаларини билиб олинг.

1.4. СУВЛИ БЎЁҚЛАР

1.4.1. Акварель.

Акварель (сувбўёқ) – (лотинчада – “акуа” – сув, французча «акуарелле» – сув билан ёзиш) рангтасвирнинг энг кенг тарқалган турларидан бири. Акварель бўёқлари ўзининг


нағислиги, рангларнинг ёрқинлиги ва тиниқлиги билан рас-сомларни ҳамда санъат шинавандаларини қизиқтириб келган. Бўёқ рангли пигмент (ўсимлик ёки минералларни янчилган кукуни) ва биритирувчи воситалар олча елими, гуммиарабикадан таркиб топган. Акварель бўёқларига асал ва глицерин қуриб қолмаслиги учун қўшилади. Унинг бошқа бўёқлардан ажралиб турадиган хусусияти ёрқинлиги, уни қоғозга юпқа қатламда ишланиши, рангларни бир-бирига устма-уст қўйганда ҳам ёрқинлик хусусиятини йўқотмаслигидир. Сувбўёқ саноатда турли-туман кўринишда ишлаб чиқарилади: тўртбурчакли плита шаклида, темпера ва мойбўёқ шаклидаги кўроғшин идишлардаги акварель бўёқлар, қаттиқ (пастель қаламчаларига ўхшаш шаклда бўлиб, уни ҳўл сатҳга чизиш усулида фойдаланилади) ҳолатда ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Фойдаланиш чун энг қулайи тубик ҳолидагиси ҳамда плиткали идишдагисидир. Унинг 16 ва 24 ранглик тўпламлари сотувда мавжуд. Акварель бўёғида ишлашда иш қуролларнинг аҳамияти катта. Қоғоз, албатта, сифат жиҳатдан талаб даражасида бўлиши керак. У етарли даражада қалин бўлиши, (ватман, ғадир-будир торшон) қоғознинг оқлиги, нур манбаи вазифасини ўтайди. Жуда силлиқ қоғозга бўёқ текис ётмайди, шу сабабдан ундан фойдаланилмайди. Юпқа ва бўш қоғозлар ҳам аварелда ишлашга тўғри келмайди. Танланган қоғоз маҳсус планшетга маҳкамлаб тортиб қўйилади.

Акварелда оқ бўёқнинг ўзига яраша эктиётлиликни талаб қиласи. Бунда тасвирдаги блик, оқ ёки ўта ёруғ қисмларни ифодалашда, қоғознинг тоза оқлиги сақланиб қолиниши билан эришилади. Енгил суртилган бўёқнинг тагидан оқ қоғознинг сезилиши, акварелда бажарилган асарларни янада жилодор қилиб кўрсатади. Бўёқларнинг қуюқ берилиши оқ қоғознинг юзасини беркитиб, тасвирнинг тиниқлигини бўғиб қўяди.


Акварелда ишлашнинг бир неча хил услублари мавжуд бўлиб, тез бажариладиган ишлар, манзарали этюд, эскизлар ишлаганда ҳўл, *нам қоғоздан* фойдаланилиб, иш жараёни қофоз куригунича тугатилади. Ҳўлланган қоғозни картон устига қўйиб ишланса, намлиги кўпроқ сақланиб туради, яна ҳам узоқ фойдаланиш учун ҳўл қоғозни сувланган ойна ёки пластик устига текислаб ётқизилади, сувдан ҳосил булган пулакчалар сидириб чиқарилади.

Узоқ муддатли ишларда эса *лессировка* (катламларини устма-уст кўйиш) услубидан фойдаланилади. *Аграприма* тасвирдаги рангларни ва тонал муносабатларни бор кучида, бир ўтишда ифодалаш услубидир. Булар кенг тарқалган асосий услублардир. Аммо ҳар бир ижодкорнинг ўзига ҳос бошқаларга ўхшамайдиган ўз услублари бор. Акварель ашёси ўзига ҳос бетакрор имкониятлари билан бошқа ашё турларидан кескин ажralиб туради.

Акварелда ишлашда, олмахон, колонок мўйнасидан тайёрланган мўйқаламлардан фойдаланиш тавсия этилади. Акварелда рангларнинг бир-бирига нозик, енгил қўшилиб кетиш имкониятлари жуда катта.



7-расм. Акварель



студия
художественная
полусухая в кюветах

Арт-Шоколад

1.4.2. Гуашь

Гуашь бўёғи. Акварель сингари сувга аралаштириб ишлатилади. Гуашь сўзи – итальянчадан «guazzo» «намли» деган маънони билдиради. Таркиби жиҳатдан акварелга ўхшасада, гуашь бўёғи ўзининг ялтироқмаслиги, тиниқмаслиги, босиклиги билан акварелдан ажралиб туради. Гуашни сувда яхши эрувчанлик хусусияти бор. У ёки бу тусларга ажратишда бўёққа оқ гуашь қўшилади. Ундан қофоз, картон, мато, фанер, сатҳига суврат ишлашда фойдалнилади. Гуашь учун акварелда ишлатиладиган қоғозлар яхши мос келади. Сатҳга қўйилган ранг қуригач, ўз ёрқинлик хусусиятини йўқотиб, бир неча марта очаради. Гуашь бўёғи билан театр декорацияси безакларида, афишалар, рекламаларда, плакат йўналишининг асосий иш куроли сифатида, бадиий асарлар ишлашда фойдаланилади. Катта яхлит қисмларни ёпишда флейц мўйқаламдан фойдаланилади. Плакат, афишаларни рангда тасвиirlашда мўйқаламдан ташқари, губкали синтетика тампонлардан ҳам фойдаланилади. Аэробраф ускуналари орқали трафарет устидан бўёқ сепиш яхши эффект беради.



8-рас.и. Гуашь

Гуашь бүёғидан рангтасвирида унумли фойдаланиб келинган. Унинг духоба сифат туси, сатҳни яхши текис ёпиши, сувда осон эриши, суюқ ва қуруқ ҳолда қўлланиш имкониятлари билан рассомларни бефарқ қолдирмайди. Гуашь техникасининг рангтасвиридан мураккаблиги шундаки, бўёқ қуриганидан сўнг, ранглар қандай кўринишга келишини олдиндан аниқлаб бўлмайди. Яна унинг ўзига хослиги шундан иборатки, бўёқлар устма-уст кўп берилганда унинг ёрилиш хавфи бор.

Гуашь кўриниши жиҳатдан қуюқ қаймоқни эслатади. Со-тудва асосан шиша ва елим идишларда ишлаб чиқарилади. Гуашни қаттиқ идишларга солиб асраса, вакт ўтиши билан қуриб қолиш хавфи бор. Гуашни тюбик ҳолида сақлаш қулайроқ, уни узоқ сақласа, қуриб қолади шунинг учунунга вактида сув қўйиб туриш керак.

1.4.3. Темпера

Темпера бўёқларининг пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Унинг тайёрланиши хақидаги трактатлар турлича бўлиб, Германия, Франция, Нидерландияда шимолий метод асосида олча елими, ҳайвон елими, асал ва уксус ёрдамида темпера таёрганланган. Италияда XIV асрдан тухум, гумми эмулсияси сув билан аралаштириб тайёрланган. Ўша пайларда темпера бўёғи асосан девор, мато, тахта ва ойна сатҳига сувратлар, нақшлар ишлашда асосий ашё сифатида фойдаланилган. Ёғингарчиликлар, совуқ иқлимининг таъсири намлиknи таъсири туфайли сувратдаги бўёқлар тўкила бошлади. Кўпгина рассомларнинг баҳс мунозаралари, ўтказилган тажрибали асосида бўёқнинг янам чидамли турлари мойли темпера яратилди. Бу мойбўёқнинг оммалашиб кетишига асосий туртки бўлди. Мойбўёқдан анча олдин пайдо бўлган темпера, ҳозирда ҳам рассомлар эътиборидан четда эмас.

Темпера бўёғи билан ишлаш жуда қулай, лекин гуашга қа-

раганда «казеин елими» темпераси жуда тез қотиб қолиш хусусиятига эга. Темпера бўёғи билан қоғозга ишланса 1-2 соат ичиди курийди. Казеин елими темпераси сув бўёқ ва гуашга ўхшаб сувда яхши эримайди.



9-расм. Темпера

1.4.4. Бистр

Ёгоч қуйиндиси ва сувда эрийдиган ўсимлик елимининг аралашмаси, уни перо ва кист воситасида ишлатилади, худди ҳозирги тушни эслатади. XVII асрдан бўёқ уч юз йил давомида жуда кўп буюк рассомлар томонидан гўзал расмлар ишланган.

1.4.5. Тушъ

Тушъ турлича усулда ишлатилади. Ундан перо ёки қамиш чўпдан фойдаланиб ишланади. Қисқа муддатли чизгилар (наброска) лар учун қаттиқ ва юмшоқ чўткадан фойдаланилади. Гоҳида тушга сув кўшмасдан ярим қуруқ ҳолатда (шетина) қил чўткадан фойдаланилади. Тушни худди сув бўёқ (акварел) сингари юмшоқ йирикроқ қил мўйбўёқ воситасида сатҳ юзига текис ёпишда (отмивка) кўлланилади. Тушъ бунда чинни политрада сув билан аралаштирилади. Тушъ, асосан, перода ишланаб, ундан Фарб ва Шарқнинг буюк усталари фойдаланишган.

Назорат учун саволлар:

1. Акварель бўёгининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
2. Гуашь бўёғи қандай хусусиятларга эга?
3. Темперанинг қўллаши усуллари қандай?
4. Бистр ашёсининг имкониятлари қандай?
5. Тушъ ашёсининг имкониятлари нималардан иборат?
6. Перодан фойдаланиши қоидалари қандай?

Амалий топшириқлар:

- а) Акварель бўёгини қогозда турли усулларда синаб кўринг.
- б) Гуашь бўёгини имкониятларини қогоз ва картонда синаб кўринг.
- в) Темперанинг имкониятларини синаб кўринг.
- г) Бистрда бажарилган асарларни репродукцияларини кўриб ўрганинг.
- д) Тушъ ашёсида машқлар бажаришида перо ва мўйқаладан фойдаланинг.

1.5. ҚОФОЗ ТУРЛАРИ.

Инсониятнинг илк аждодлари сувратлар ва турли ёзув белгиларини тошлар, горлар деворларига тасвиirlаганлар. Кейинчалик ёзувнинг ривожланиши жараёнида ёғоч, лойдан ясалган плиталар, папирус дарахти пўстлогидан тайёрланган лентасимон юза, бузоқ терисига ишлов бериб тайёрланган пергаментдан фойдаланилган. Кейинчалик пахта, дарахт, ип матодан қогоз тайёрлана бошланди. Қофоз илк бор Хитой давлатида кашф қилинган. У бошқа ашёларга қараганда енгиллиги, ёзиш ва тасвир чизишда қулайлиги билан ажralиб туради. Яхши тайёрланган қофозни узоқ муддатда сақлаш имкониятлари мавжуд. Самарқандда биринчи маротаба қогозни VIII асрда ишлаб

чиқарила бошланган. Самарқанд ва Бухорода қоғоз Ипак ашё-
сидан тайёрланган ва у сифатли ҳисобланган.



10-11-расмлар. Қоғозни ишлаб чиқарии жараёни

Қоғозга турли ашёларда суврат чизиш, ҳуснихат ёзиш картон, фанер, мато, шиша, металлга қараганда күргина афзаликкларга эга. Оқ, тоза сатұға эга бұлған қоғозга бүек ёки тушь билан ишлаш жуда қулай. Агар ишлаш жараёнида қоғоз бузилса, түғрилаш имконияти бор. Қоғозга ишланған суврат ёки ёзилған ҳуснихатни зарурият түғилғанда кир бұлған жойини сув билан ювиш мүмкін. Үчирғич билан үчириш, лезвия билан қириб ташлаш ва бошқа усуллар ҳам бор. Қоғознинг яна қулайлық томони шундаки, уни труба шаклиға келтириб ихчамлаштириш имконияти бор. Қоғозни папкага солиб жойлаштириш мүмкін, бошқа ашёларға нисбатан энг арzon. Унинг таркиби матолар толасидан иборатдир. «Полуватман», «Чертежная», «Александровская» ва бошқа маркадаги ҳар хил сифатга эга қоғозлардан (ўзининг таркибіда целлюло-за моддаси күплиги учун) чизматасвир, рангтасвир, плакат ва ҳуснихат ишларида фойдаланса бұлади. Қоғоз таркибіда ёғоч моддаси күп бўлса, унда фақат гуашь бўёги ёки темпера бўёғидан фойдаланилади. Сув бўёк текисликка яхши ётмай-

ди ва ёмон ювилади, агарда кир бўлиб қолса, қофознинг сатҳини тозалаш имкониятлари қийинроқ. Қипиги чиққан «ўрама» қофозларнинг елимлаш даражаси паст. Қофоздаги елим микдорининг сифати қай даражада эканлигини аниқлашда қофознинг сатҳига бир қанча ранглардан суртиб кўрилади, агарда бўёқ бир зумда шимилиб кетса ёки ёйилиб кетса, унда бу қофознинг таркибида елим микдори жуда оз бўлади. Бундай қофозлардан фойдаланишда қўшимча елимлаш ёки сувга оз микдорда желатин, крахмал, ёғоч елими қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва қофозни бир неча бор бўялади. Елимли қоришмасини қўлга суртиб, бармоқларни бир-бирига теккизиб кўрилганда бармоқлар бир-бирига ёпишганлиги сезилса, унда елим тайёр бўлган бўлади. Қофозни бўяш учун қоришмани тайёрлашда, тахминан йигирма грамм сувга бир грамм елим қўшилади.

Ишга киришишдан олдин, нима мақсадда ишлатилаётганилиги эътиборга олинади ва бунда намланган қофознинг сифатига кўп нарса bogлиқ бўлади. Қофоз танлаганда унга ҳар томонлама эътибор бериб қараш лозим. Қўл билан ушлаб кўриб, қандай қалинликда эканлиги, унинг ён қисмлари, ҳаттоқи, қофозни ёруғликка тутиб кўриб, уни қандай сифатга эга эканлигини аниқлаш мумкин. Қоғозлар айрим ҳолларда қирилган, ғижимланган, йўл тушган ва бошқа механик заарланган бўлиши мумкин. Агар қоғозда шунга ўхшаш носозликлар бўлса, унга сув бўёқ, тушъ, чой, кофе билан ишлов берилганда, камчиликлар кўзга ташланиб қолади.

Қоғознинг сифатини аниқлашда уни ишлатишдан олдин текшириш тавсия этилади. Қоғознинг сатҳига ўчиргичнинг қандай таъсир кўрсатишини текшириш, унга сув бўёқлари гуашь, темпера ёки тушнинг қандай бўялишига қараб аниқланади.

Қоғозни тоза сув билан ювишда сувга бир неча томчи нашатир спирти қўшилади (бир стакан сувга 4-6 томчи нашатир спирти) ёки озгина совун аралаштирилади, совунланган сув микдори нурсиз, оқиш бўлиши лозим.

Иш жараёнида қоғозни турли хил доғлардан тозалашга тұғри келади. Махсус лезвия ёки үчирғич қоғозда үзига хос бўлган чукурлик ҳосил қилиши мумкин. Агар шундай жой бўлса, қоғознинг бузилган жойига аралаштирилган елим билан бўялади. Бу суюқликни тайёрлашда озгина крахмал ёки желатин қўшилади. Бу суюқликни қоғознинг чукур бўлган жойига суртилади ва уни текислаш мақсадида дазмолланади. Масса куригандан сўнг эҳтиётлик билан ортиқча бўлган ерлари лезвия билан олиб ташланади.



12-13-расмлар. Мармар қоғоз (Абри баҳор) ва уни тайёрлаши.

Абри баҳор қофози илгарилари қўллёзма китобларнинг муқова ички қисмлари, варақларнинг ёзилган ҳамда хошия қисмларини безашда ишлатилган. Ҳозир ҳам китоб безаш санътида форзац ва иллюстрацияларни безашда абри баҳор қофози қўлланилиб келинмоқда.

Абри баҳор қофозини тайёрлашнинг йўллари кўп бўлиб, улардан бири қуидагича:

Уч литр сувда 200 грамм миқдорда трагант елими эритилади. Тайёр бўлган эритмани бир неча маротаба юпқа матодан ўтказиб, иирик бўлаклардан тозаланади. Сўнгра суюқлик қофоз ўлчамидан каттароқ бўлган тогорасимон идишга қуйилган. Бир қанча вақт тиндирилиб, сувнинг юзига чиқиб қолган ортиқча чиқиндилар олиб ташланади. Трагант елимини топиш имконияти бўлмаганда, унинг ўрнига зифир уруғининг сувдаги бўқтирмасидан ҳосил бўлувчи суюқликдан фойдаланиш мумкин. Турли рангдаги пигментларни алоҳида-алоҳида чинни идишчаларга солиб, елим билан аралаштирилади. Янги бузоқ ўтини (жель – мол ва паррандаларнинг ички аъзосидан олинади) олиб бир оз иситиб, бўёқлар билан аралаштирилади. Бу бўёқ ва мол ўти аралашмаси тогорадаги эритилган трагант устига мўйқалам ёрдамида томизилади. Бундан олдин тўқ ранглар, сўнг оч ранглар томизилади. Бўёқ таркибидағи мол ўти моддаси бўёқнинг қофозга сингишига ёрдам беради. Мўйқалам ёки нозик чўп ёрдамида сув сатҳида турли шакллар чизилади.

Шундан сўнг, ҳосил бўлган рангли безак сиртига оқ қофоз давомида ётқизилиб, аста-секинлик билан кўтариб олинади ва сув сатҳидаги рангли шакллар қофоз сиртига ўтиб қолади. Қофозни орқа томони билан ётқизиб, соя жойда қуритилади. Бундай рангли қофозни «абри баҳор», яъни «баҳор булутлари» деб номлашган.

Назорат учун саволлар:

1. Қогознинг пайдо бўлиши ва уни тайёрлаш услублари қандай?
2. Қогознинг тасвирий санъатда, айниқса, графикада қўллашининг ўрни ва аҳамияти қандай?
3. Қогознинг турлари, форматлари ва ўзига ҳос жиҳатлари нималардан иборат?
4. Мармар (Абри баҳор) қогозини тайёрлаши ва уни қўллаш йўллари қандай?


Амалий топшириклар:

- a) Қалинлиги ва кўринишии (фактураси) турлича бўлган қогозлардан фойдаланиб ҳар хил ашёларда синов машқлар бажаринг.
- б) Мармар (Абри баҳор) қогозини тайёрлашини гуруҳ аъзоларингиз билан синаб кўринг.

1.6. МЎЙҚАЛАМ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Мўйқаламлар думалок, япалок, учли ва тўмтоқ бўлади. Улар қуйидаги рақамлар остида саноатда ишлаб чиқарилади. Думалоги №1 дан №24 гача; япалоги №1 дан №12 гача. Суврат ишлашда, хусниҳат ёзишда, асосан, «колонковый ёки белеч» мўйқаламлари ишлатилади. Колонковый мўйқаламлар турли бўёқ ишларида қўлланилади. Бунинг учун алоҳида маляка, қўнирма талаб қилинади ва узок давомий амалий машқ қилишга тўғри келади. Бу кўпроқ рассомнинг шиҷоатига боғлиқ, шу билан бирга асбобларнинг ўзига ҳос характеристи ва имкониятлари нимага қодирлигини тезда илгаб олишига боғлиқ. Ундан ташқари, гуашь ёки темпера бўёқларида ҳам қўллаш мумкин. Лекин бундай мўйқаламларни мойбўёқда қўллаш мумкин эмас. Чунки уларда эгилувчанлик хусусияти йўқ ва жуда ҳам юмшоқ сифатга эга. «Щетинный» мўйқаламлари мойбўёқ, темпера ва гуашь бўёқларидан рангтасвир ишларида фойдаланса бўлади. «Флейц» чўткаси – турли бўёқлар билан,

асосан, катта майдонларни бўяшда қўлланилади. Флейцнинг афзаллиги шундаки, у турли мўйналардан тайёрланади: «щетинный», «белич», «хорьков», «борсуковий», «режекаленко-вой» турлари бўлади. Флейцнинг туклари узун бўлади. Оддий чўткаларга нисбатан унинг туклари зич жойлашган бўлади. Мўйқаламларни узун кўзаларда ёки узун идишларда сақлаш тавсия этилади. Агар сиз узоқ вақт мўйқаламдан фойдалан-масангиз, унда мўйқаламни (олча ёки олхўри) сувига ботириб қўйилади ва уни суюқ қилиб елимланади. Мўйқаламни чиройли шаклга келтириб, уни қозоз ёки газета билан ўраб ёки нафталин сепиб, ёпиқ қутичада сақлаш мумкин.




14-расм. Мўйқалам

1.6.1. Перо

Перо – «тиг қалам» хилма-хил чизиқларни ифодалашда имконияти каттадир. Чизиқлар пластикасида ингичкадан йўғонлашиб ўзгариб боришида, гўё чизиқлар мусиқаси янграётгандек. У узун бўлиши ёки узилиб бўлиниб кўринишда, шиддат билан босиб ёки енгил, эгилувчан, ҳатто, нуқтасимон йўсинда ифодаланиши мумкинки чизматасвир усулларини бойитиб боради. Перолар, асосан, маҳсус металлардан ясалиб

цехларда ишлаб чиқарилади. Улар турли ҳажмда, турли шаклда бўлиб, хуснihat ёзишда (плакат перолари), тушъ ёрдамида суврат ишлашда эса учи ингичка, ўткир перолардан фойдаланилади. Рассомлар ўз ижодларида тез-тез тушдан фойдаланишга интиладилар. Унинг ёрдамида перо ва кистда, айниқса, ўткир чархланган бамбукли перода суврат ишланганда ўзини янаям номоён қиласди. Тушни имкониятини найдали перо, радиограф, техник пероларда ҳам ўзига хос даражада ҳис қилишимиз мумкин, бунда, албатта, силлиқ қофоз ва картондан фойдаланишни тавсия қиласман.



⁴ 15-расм. Перо турлари

Назорат учун саволлар:

1. Мўйқаламнинг турлари ва уни тайёргаси услублари қандай?
2. Мўйқаламнинг тасвирий санъатда, айниқса, графикада қўллашининг ўрни ва аҳамияти қандай?

Амалий топшириқлар:

- a) Ҳажсми ва қўриниши турлича бўлган мўйқаламдан фойдаланиб ҳар хил ашёларда синов машқлар олиб боринг.
- b) Мўйқалам тайёргасига ҳаракат қилиб қўринг.

⁴ Cari Ferraro. The art of calligraphy and lettering – Ирвайн: Walter Foster, 2011, page 10.

II БОБ. ЛИТОГРАФИЯ

2.1 ЛИТОГРАФИЯ ТАРИХИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Литография грекчадан «*litos*» литос – тош ва «*grapfo*» (графо) – ёзаман, тасвирлайман деган маънони англатиб графика санъатининг қизиқарли соҳаларидан бири саналади. Тасвир ясси, текис юздан босилади. Ашёнинг бошқа турларига қараганда уни ўзлаштириб олиш анча енгил кечади. Технологик жараёнларнинг мураккаб эмаслиги, рассом учун қалам ва тушь билан ишлаш усули одатий ҳол бўлгани учун, тош юзасига турли тасвирларни чизишда муаммо туғдирмаслиги билан рассомлар орасида литография графиканинг кенг ёйилган турига айланди.

Литография – бу тасвир шаклларидан бири бўлиб, янги у ёки бу сурат, расмни акс эттириш демакдир. Литография ясси босма турига киради. Тасвир туширилган тошлар, ишлов берилётган ашёлар орасидаги ўзаро кимёвий алоқа унинг асосини ташкил этади, рассомнинг ишлатган ашёси (тушь ёки қалам), тошга ишлов берадиган асбоблари хусусиятига хос бўлган тасвирий санъат асари яратилади. Литография XVIII аср охирида Германияда А. Зенефелдер томонидан кашф этилди. Асосий қисми калсий кислотасидан (97% атрофида) иборат литография тоши ўзига мойларни осон сингдиради ва азот кислотаси таъсирида мой сингдирмайдиган калсийнинг азот кислотали тузига айланади. Яхшилаб ишқаланган ясси тошга махсус мойли қалам ёки тушь билан тасвир туширилади. Сўнгра тошга кислота билан ишлов берилади ва бироз уни намлаб бўёқ суртилади. Бўёқ фақат чизилган жойларга ўрнашади, тошнинг текис кислотага қарши қатламини ҳосил қиласиди. Литография графика турлари орасидан мустаҳкам ўрин эгаллади ва рассомлар орасида оммалашиб кетди. XIX аср бо-

шида босма ишларининг ривожланиши туфайли литография матбаачиликда ҳам кенг тарқалди. Литография босма шакли сифатида гравюрадан анча арzon, бундан ташқари, яна бир қатор афзалликларига эга эди. Буларга тасвирий имкониятларининг кенглиги, енгиллиги ва тез босмаланишини киритиш мумкин.

XIX аср охири ва XX аср бошларида тасвирий литографияни фотолитография сиқиб чиқара бошлади, яъни у ёки бу бадий асл нусха фотомеханик йўл билан босиладиган бўлди. Растр (Raster немисча. – сетка) ни кашф қилиниши туфайли, рассомларни сувратларидан арzon тонал туслардан иборат клишелар тайёрлаш имкони пайдо бўлди. Ҳар қандай тасвирий санъат асарининг аслидан (перода, мўйқаламда, акварелда, мойбўёқда рангтасвирда, бажарилган асарлар фотосувратлардан) камхарж, арzon репродукцион босма шакллар тайёрлаш хамда уни китоб ва журналларни босиши жараёнида матн билан бир вақтда босиб чиқара олиш – мана унинг тез ривожланиши ва оммалашишиниг сабаби. Литографияда эса тайёрланган сувратлар формасини, матнлар билан бир вақтда босиши имконияти йўқ эди, босиши ускунасининг ҳаракатини яна қайтадан ўтказишга тўғри келади.

Ўтган даврларда плакатлар, даъват, чақириқ варақалари литографияда босилар эди, айниқса, иккинчи жаҳон уруши даврида литография ва офсет босмасининг зиммасига катта масъулият юклатилди. Уруш мобайнида душманни енгишга, фронт ортида ўз меҳнатлари билан фронтга, ғалаба учун ёрдам қилишга даъват құлувчи плакатларлар катта тиражда нашр этиларди. Бугунги кунда кўл билан бажариладиган литография босмада кўлланилмаяпти, лекин босманинг одатдаги усули сифатида графика санъати орасида муҳим ўрин тутади. Бир ярим аср давомида кўпгина йирик рассомлар рангтасвир, қаламтасвир ва гравюра билан бир қаторда автолитография

билан шуғулландилар. Барча тасвирий санъат турларидағи каби автолитография асосини ҳам қаламтасвир ташкил этади.

Автолитография – муаллиф томонидан тошга ишланған санъат асарини унинг иштирокида босиб чиқариш ҳисобла-нағи. Автолитография билан шуғулланаётган рассом яхшиги-на моҳир қаламтасвирчи бўлиши зарур, акс ҳолда, у ашёлар билан бемалол ишлай олмайди. Европа, Америка ва бошқа мамлакатларнинг таниқли рассомлари графика санъатининг айнан шу тури билан шуғулланганлар. Франсуз рассомлари П.Гаварни, Э.Делакруа ва О.Доме, инглиз рассоми Ф.Бренг-вин, немис рассомлари М.Слевогта, К.Колвис, америкалик Р.Кент, Барбизон, К.Коро, Ж.Дюпре, Н.Диаз, импрессионист-лар Э.Мане, Э.Дега, О.Ренуар, А.Тулуз-Лотрек кабилар лито-графия соҳасида кўплаб асарлар яратганлар. Россияда лито-графия XIX аср бошларида пайдо бўлди. Биринчи босмахона Ташқи ишлар вазирлиги қошида очилди, унда фақат расмий қоғозлар босиб чиқарилар эди. Тез орада рассом А.О.Орлов-ский литография билан шуғулланди ва қиёфалар, сахналар, портретлар тасвиранган албомлар чиқарди. XIX асрнинг би-ринчи ярмида ижод қилган О.А. Кипренский, В.Л. Борови-ковский, К.П. Брюллов, А.Г. Венесианов каби рус рассомлари литография билан шуғулландилар. XIX асрнинг 20-йиллари-да Петербургда ташкил этилган рассомларни қўллаш жамияти рус литография санъати ривожига йўл очди. Ҳарбий тарих, портрет, болалар китоблари, шаҳарлар акс эттирилган албом-лар литография усули билан чоп этилди. Литография, асосан, қора рангда бўялади, баъзан қўлда акварел билан ҳам ишла-нағи. Фақат XIX асрнинг иккинчи яримдан бошлаб рангли литография пайдо бўлди. 1851–1862 йиллари рус рассом-гра-вери В.Ф. Тим нашр қилган Рус бадиий варақаси литографи-янинг оммалашувида катта ўрин тутди. Ўша йиллари Хоразм шоҳи Ферузнинг саъй-ҳаракатлари билан Хоразм давлатига

ҳам литография кириб келди. У ўз саройида тош босма ташкил этиш ҳаракатига тушиб, Эрондан Иброҳим Султон номли матбаачини саройга ишга таклиф этади ва унга ёрдамчи қилиб Отажон Абдаловни ишга олади. Баъзи бир ҳужжатлар босмадан чиқа бошлайди. Иброҳим Султон мухлати тугаб, юртига қайтиб кетгач, ҳамма мажбурият шогирди Отажон Абдалов зиммасига тушади. Саройда ташкил топган «Подшоҳий замон типолитографияси» нинг илк маҳсулоти 1876 йилда дунё юзини кўрди. Бу Абу Наср Форобийнинг «Нисоб ус-сибиён» («Болалар насибаси») номли фалсафага оид асари эди. Халқ Отажон Абдаловни «Отажон босма» деб атай бошлади. Феруз Отажон босмага ёрдам бериш учун Муҳаммад ва Худойберган Ҳаррат, Худойберган маҳркан каби тараққийпарвар кишиларни босмахона ишларига жалб қиласди. Феруз кўрсатмасига биноан 1880 йилда буюк Алишер Навоийнинг «Хамса» асарининг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» нашр этилди. Ўрта Осиё маданияти тарихида бу эътирофга сазовор мухим воқеа эди. «Туркистон вилоятининг газети» бу воқеага атаб бир неча мақолалар чоп этди. 1879 йилда Шермуҳаммад Муниснинг «Мунис ул-ушшоқ» девони нашр этилди. Девонга 14 саҳифадан иборат дебоча ёзилиб, унда шоир шеърий мероси ҳақида маълумот берилган. Умуман девон жами 669 саҳифадан иборат эди. 1882 йил Алишер Навоийнинг «Чордевон», машҳур шоир ва тарихчи Муҳаммадизо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номли 530 бетдан иборат девони чоп этилди. 1897 или Феруз ёзган ғазаллари «Девони Феруз» Комил Хоразмий сўзбошиси билан нашр этилди. Шундан кейин, Баёний, Огаҳий, Пиркомил, Мирзорожий, Табибий, Комил Хоразмий, Комил Девоний, Фуломий, Сулаймоний, Саъдий, Асад, Қозий, Раҳмонкули қори каби шоирларнинг шеърлари нашр этила бошланди. XIX аср сўнгидаги тасвирий литографиянинг таназзули билан (уни

фототасвир сиқиб чиқарди) кўпгина рассомлар автолитографияга эътибор қаратдилар. Таниқли рассомлардан И. Репин, А.Васнецов, В.Маковский, И.Шишкин, И.Левитан, В. Серов кабилар автолитография билан шуғулланадилар. XX аср бошлирида автолитография «Жаҳон санъати» рассомлари ишларида етакчи ўрин тутди. Л. Бакста, Э. Лансере, О. Браз, Ф. Малевин, М. Добужинский, Б. Кустодиев, А. Остроумова-Лебедева, В. Фалилеевларнинг автолитографиялари ҳозиргача бу ўзига хос графика санъатининг ажойиб намунаси бўлиб қолмоқда. В. Серов ажойиб портретлар яратган литография устасидир. XX асрнинг йигирманчи ва ўттизинчи йилларида В. Ватагин, К. Рудаков, Н. Тирса, В. Конашевич, Э. Чарушин, И. Бродский, Н. Купреянов, Г. Варейский, А. Лвов, М. Родионов, В. Лебедев, П. Алякринский, С. Боим каби рассомлар автолитографияда муваффакият билан ижод қилдилар. А. Яр-Кравченко, В. Курдов, К. Кузнесов кабилар ўз автолитографиялари билан машхур бўлиб кетдилар. К.Рудаков ҳам автолитография соҳасида етакчи рассом ҳисобланади. Унинг ашёлар билан эркин ишлаши, қаламтасвирдаги беқиёс маҳорати, чизикларнинг лўндалиги бу соҳада ишлаётган рассомлар учун намуна бўлиши мумкин. 30-йилларда Э.А.Кибрикнинг Ромен Роллан асарларига ишланган автолитография тасвирлари пайдо бўлди. А. Пахомов, Н.Жуков ва А.Гончаровлар литография соҳасида етук ижодкорлар ҳисобланадилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида автолитография катта рол ўйнади. Қамал қилинган Ленинград (Санкт-Петербург) да рассомларнинг «Жанговар қалам» автолитографияси ниҳоятда оммалашиб кетди. Москвадаги бадиий эстамп устахонаси ва В.И.Суриков номидаги давлат рассомлик институти талабалари кўплаб литографик агитплакатлар чиқардилар. М. Б. Греков номли студиянинг П.Й.Кирпичев, Р.Ф. Житков, Э.И. Комаров каби ҳарбий рассомлари ўзларининг фронтдаги қораламалари асосида қатор

альбомлар чиқардилар. Уруш йилларидағи күргазмаларида А. Лаптев, П. Митурич, А. Яр-Кравченко, Э. Кибрик каби рас-сомларнинг автолитографияда бажарилган айрим ишлари на-мойиш этилди. О. Верейский, Л. Тимошенко, И. Айзенштадт рангли автолитографияси муваффақият қозонган.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларида Ўзбекистон графика санъатининг дастгоҳли графика жанрида В. Кайдалов, В. Рождественский, С. Мальт, К. Чепраков, В. Кедрин, Б. Жуковларнинг республика кўчаларида фашизмни ўткир ва қаттиқ фош этувчи, армия ва меҳнат фронтидаги муваффақиятларни шарафловчи «Ўз ТАГ» ойналари пайдо бўлди ва уларда ўз плакатлари билан М. Рейх, рангтасвиричилар Л. Абдуллаев, В. Уфимцев, Н. Кашина, Б. Ҳамдамий ва бошқалар иштирок этилди.

Графика санъатида кекса авлод усталари И. Икромов, В. Кайдалов К. Чепраков, В. Кедрин, Г. Шеваков, А. Ошайколар билан бир қаторда Қ. Башаров, Г. Чиганов, А. Циглинцев, М. Кагаров, В. Паршин, Ю. Стрельников, И. Чиганов, А. Ли каби дастгоҳли графика йўналишига мансуб ёшлар ҳам самарали ижод қилдилар. Айниқса, Қ. Башаров, М. Кагаров, Л. Даватц, М. Содиков, И. Воҳидов, А. Маҳкамовлар литографияяга янгича талқин ўзига хос йўналиш олиб кирдилар.

Китобларга расм ишлаш ва уларни безаш соҳасида кейинги авлод вакилларидан Ю. Павлов, И. Кириакиди, В. Бобров, А. Мамажонов, Г. Ли, М. Рейх.

2.2. ЛИТОГРАФИЯДА ИШЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Бошловчи литографга тушунарли бўлиши учун асосан бир рангли, қора литография ҳақида сўз юритилади ва унинг энг муҳим жиҳатларида тўхталиб ўтилади.



5

16-расм. Тошибосма ии столи

2.2.1. Тош таилаш

Тошлар таркиби жиҳатдан бир хил эмас, тажрибадан келиб чиқиб физик-механик хусусиятларига қараб, тошлар қаттиқлик даражаси бўйича уч турга бўлинади: *қўкиши-кулранг* (қаттиқ), *оқ* (ўртача), *сарғиши-оқ* (суст-бўшроқ). Бажариладиган ишлар тошнинг турига боғлиқ бўлади, тош кимёвий (травит) ишлов беришни ва ёғни қандай қабул қилишига қараб бир ишга яраса, бошқасига тўгри келмайди. Қаттиқ тошлар асосан, игна билан граверлашга қулай бўлса, лекин туш билан литографик қаламда ишлашга мойил эмас.

Суст-бўшроқ хусусиятга эга тошлар, аксинча, тушь билан литографик қаламни ўзига яхши қабул қилади, аммо кислота билан (травит) қилиш жараёни ўта тез кечади. Бундай тошлар, асосан, йирик қўпол шаклли ишлар учун қўлланилиб, майда деталлар, нозик тусланишлар, ингичка штрихли сувратлар

⁵ Dwight Pogue. Printmaking Revolution – New York: Watson-Guptill, 2012. 26-bet

травит қилиш жараёнида тез-осон ўйилиб кетади. Демак, жиддий оригинал ишлар учун оқ, қаттиқлиги жиҳатдан ўртасынан тошлар маъқулроқ ҳисобланади. Оқ тошдан фойдаланилганда, тонал фарқларни ажратишда сариқ ва қўкиш-кулранг тошларга қараганда камроқ хатога йўл қўйилади.

Қўкиш-кулранг тошга ишлаш жараёнида литограф рассом тошнинг бўғиқ тусли тўқ рангига бўйсунган ҳолда кўпгина хотоларга йўл қўяди, бу айниқса, суврат биринчи бор босиб чиқарилгандаёқ маълум бўлади, чунки туслар орасидаги фарқларда кескинлик, соя ва ёруғ қисмларида ноаниклик, ўта фарқланишлар юзага келади. Рассомнинг кўп йиллик тажрибаси туфайли бундай бўғиқ тусли тошлар билан ишлашда унга мослашиши туфайли мақсадга эришилади. Босиб чиқарилгандан кейин бўладиган муаммоларнинг олдини олиш учун, сувратни оқ қоғозга эмас, тошнинг рангига мос (қўкиш-кулранг) қоғозга босиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар оқ қоғозда босилган бўлса вазиятдан чиқиш учун, алоҳида тошни юзига енгил тусли яхлит фон бериб станокдан қайта ўтказилади.

Тошлар асосан тўғри тўрт бурчакли шаклда бўлиб, юзаси 15-20 см, тошнинг қалинлиги 3-4 см.дан кам бўлмаслиги керак. Юзасининг катталигига қараб қалинлиги 12 смгacha бўлади. Литограф рассом сувратни тошнинг хажмига қараб танлаши лозим, чунки сувратдан ташқарида камида 3-4 см майдон қолиши керак бўлади, уни паспорта сифатида ҳам фойдалиниш мумкин.

2.2.2 Тошни (илифовка) тозалаш ва ишлов берини.

Эски сувратларни олдин скипидар ёки керсин билан, сўнг сув билан обдон яхшилаб ювиб ташланади. Тозалашга жиддий эътибор бериш керак етарли даражада тозаланмаган тош кейинги ишнинг сифатига путур етказади. Кўпинча босиб

чиқариш жараёнида эски суврат «чиқиб кела бошлайди» ва натижада, суврат ифлос дөг бўлиб чиқиши оқибатида, рассомнинг меҳнати зое кетади. Тушь билан яхлит куйиб ишланган қисмларини, айниқса, кўпроқ астойдил ўчириш керак бўлади. Тўлиқ ишончга эга бўлиш учун куйидагиларга эътибор бериш керак тошни ишқалашдан олдин, уни сув билан ювиш керак. сўнг эски сувратни сквидар ёки керосин билан ювилади, яна сув билан ювиб, кейин тошнинг юзасини кучли азот-кислотаси (15-20% аралашмаси) билан дорилаб, яна сув билан ювиб кейин обдон (шлифовка) қилинади. Танланган тошни бошқа тош ёрдамида сайқаллаш жараёни бошланади. Тошга сайқаллашда маҳсус кўм ишлатилади. Дастрлабки силлиқлашдан кейин тош намланади ва денгиз пемзаси билан текис, босмасдан ишқалаб силлиқланади. Ҳосил бўлган оқ куқун ювиб турилади ва яхшилаб қуритилади. Куқун юмшоқ латта билан ювилади. Текис жилвирланган тошга мўйқалам, перо билан чизиш мумкин.

2.2.3 Тошга сурат тушириш ва ишланиш жараёни.

Фил суюги рангидаги текис литографик тош танлаб олинади. Танлаб олинган тош яхшилаб ишқалаб тозаланган, текис бўлиши шарт. Унинг фактураси эътиборга олиниб, қора ёғли қалам билан чизилади. Кўпгина рассомлар қаламтасвирни осонроқ тошга тушириш, ёруғлик ва рангни аниқ бериш учун эскизга шаффофф қофоз кўядилар ва чизиклар бўйлаб юритиб, уларни тошга ўтқазадилар.

Литографияда тузатиш яхши натижага олиб келмайди, ундан кўра қаламтасвирни бутунлай қириб ташлаган маъкул, шунда рассомнинг ўзлиги сақланиб қолади. Шу ўринда литографиянинг яна бир жиҳати очилади, яъни тошга ўтказиладиган эскиз қанчалик мукаммал бўлмасин, уни тошга ўтказиш механик усул бўлиб, рассом ижод қилмасдан ўз-ўзидан нусха олгандек бўлиб қолади. Шунинг учун, расмни тошга эскизиз





ишлаган маъқул. Аммо тошга эскизиз сиз ишлаш кўп йиллик тажрибани талаб қиласди ва рассомнинг маҳоратига боғлиқ бўлади. Сотувда литографик қаламлар думалок, тўртбурчак, шунингдек, турли қаттиклиқда бўлади. Қаламлар 6–7 см узунликда бўлганлиги сабабли, улар рейсфедерга қотирилади.

6

17-расм. Тошга кимёвий ишлов бериши

Оддий қаттиқ график қалам билан тошга чизма чизиб текширилгач, литографик қалам билан ишлаш бошланади. Кўл остига таглик қўйилади ёки тош қофоз билан ёпилади, бунда очиқ жойга қўл тегиб кетмаслиги керак. Кўл теккан жой мой бўлиб, босмага чиқиб қолади. Бундан ташқари, тошда ишлаётуб резинкадан умуман фойдаланиб бўлмайди. Агар у ёки бу чизиқ нотўгри тушган бўлса, уни игна ёки шабер билан олиб ташланади. Тошда ишлашнинг қийин томони шундаки, ундаги тасвар тескари кўринишга эга бўлади. Ишни осонлаштириш учун кўпгина литограф рассомлар олдига ойна қўйиб олади. Агар ойнадаги тасвиридан чизилса, асл нусхага мос келадиган сурат олиш мумкин. Тошга расм ишлаш рассомдан катта қўникмани талаб қиласди, шунинг учун, дастлаб бир рангли литографияни ўрганиш зарур, қалам, тушь билан чизиб кўриши керак. Албатта, тошга перо билан чизиш қийин, негаки у сирпаниб кетиши мумкин. Тошда тушь билан ишлаш усууллари бор, уни сув ёки скрипидар билан ювиб юбориш мумкин.

Тушни тайёрлаш куйидагича совун, ёғ, воск, сажа ва сақич (смола) юкори даражада эритилади.

⁶ Dwight Pogue. Printmaking Revolution – New York: Watson-Guptill, 2012, page 27

Агар тошга расм чизишни машқ қилиб күриш лозим бўлса, дастлаб қалам билан чизган маъкул. Кўникма ҳосил бўлгач, перо ва мўйқалам билан ишланади. Қалам ва тушь билан бир пайтда ишлаш мумкин, аммо қалам қанчалик юмшоқ бўлмасин, тушь бўртиб туради. Тусни аста кучайтириш учун тушлаш мумкин, бу рассомнинг мўлжалиига боғлиқ. Тушлаш чоғида тартиб билан ишлаш талаб этилади. Иш якунлангандан сўнг чизиклар тортилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бир жойнинг ўзида қалам билан бир неча марта ишлаш мумкин эмас. Бундан ташқари, яна шуни ёдда тутиш керакки, тошга кислота билан ишлов берилиб, бўёқ билан қопланади, у қалам чизикларига қарагандা кучлироқ бўлади. Оқ-қора литографияни ўзлаштириб, сўнгра рангли ишларни бажариш мумкин.



⁷ 18-расм. Тош юзасига бўёқ юргазии

Литография кашф қилингач, узоқ йиллар оқ-қора рангда босмалаб келинди. Рангли тасвир ҳосил қилиш учун уни акварел билан бўяб қўйиларди. Фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан, суратлар икки-уч тусда босила бошланди. Аммо XIX асрнинг 60-йилларида рус литографи Тимм ўз варақалари ва альбомларини беш ва ундан ортиқ рангларда боса бошлиди. XIX аср охирида рангли литография оммалашиб кетди. Фарbdаги литография усталари А. Тулуз-Лотрек, Т.А. Стенлейн, Ж. Шере кабилар бу санъат соҳасида ажойиб асарлар қолдирдилар. Маълумки, Шарқда биринчи матбаа 1832 йил

⁷ Dwight Pogue. Printmaking Revolution – New York: Watson-Guptill, 2012, page 31

Эронда пайдо бўлиб, унда китоб ва жаридалар нашр этила бошланган. 1886 йилга келиб, Табризда еттита, Техронда ўнта литография босмахоналари вужудга келди. «Литография» – грекча сўз бўлиб «литос» – тош ва «графос» – ёзаман деган маънони билдиради. Бу атама ўзбек тилида «Тош босма» тарзида ўгириб қўлланган. Сўнгги йилларда рангли литография билан кўпгина рассомлар шуғулланиб келмоқда. Рангли литография мустақил санъат асари сифатида кенг таркалди. Чунки, у бошқа эстамплар билан бир қаторда замонавий интерьерда яхши кўриниади. Рангли литографияни яна хромолитография деб ҳам аталади. Албаттa, бу ном литография ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлганда, яъни у ёки бу рассомнинг картинаси оммавий чиқарилганда ишлатилади. Бу ишни мутахассис хромолитограф бажаради. Рассомграфик О.Г. Верейскийнинг «Йўлдаги дам олиш» асари рангли автолитографияга ёрқин мисол бўлади. Кўк, қизил, сарик, кулранг ва кора сингари беш рангдан иборат рангли литографияни бажариш лозим бўлсин. Унда асосий чизувчи ранг қора бўлиб қолади. Тошга бу асосий ранг туширилади, четларига белги қўйилади ва бу тошдан қалин қофозга бир неча босма чиқарилади. У кейин акварель билан бўялади. Акварель яхши ётиши учун уни совунли сувга аралаштирилади. Рангларни танлаш аниқ бўлгач, тошда ишлашга киришилади. Бунинг учун бўялган эскиз босма шаффоф қофозга ўтказилади, ранглар чегараси, уларнинг аралашуви бошқача ранг бериб белгилаб олинади.

Тошга тушь билан ишланадиган бўлса, бундай ранглар майин кўринишга эга бўлиши мумкин. Агар бир неча ранглар устма-уст туширилса, клёнкага ўхшаш нохуш кўриниш ҳосил бўлади. Шунинг учун, дастлаб контрабрис қилиб, ишда нечта бўёқ бўлса, шунча тошга ўтказилади. Рангли литографияда рассом бўёқларни бериш тартибини хисобга олиши зарур, чунки ранг таркиби бўёқларни тартиб билан берили-

шига бөглиқ. Масалан, сариқни күк устидан берилса, сарғишил ранг пайдо бўлади, аксинча бўлса, кўкиш-яшил бўлади. Четдаги белгилардан ташқари бир қатор тўртбурчаклар ҳам чизилади, уларнинг сони иш учун олинган бўёқ сонига мос бўлади. Абрис (контур чизик) бошқа тошларга туширилгач, рассом иш бошлайди. Абриснинг ҳар бир соҳаси бўйича тушь билан ишлаб чиқади ёки ранг талаб қилинган жойлар чизик билан тўлатилади. Иш усули оқ-қора литографиядан фарқ қилмайди. Фақат тус ва рангни бериш эмас, балки ҳар бир юза, ашё учун ўз фактураси, усулини бериш лозим бўлади. Буларнинг барчаси О.Г. Верейскийнинг «Йўлдаги дам олиш» рангли автолитографиясида кўринади. Бу иш тўқ кулранг бўёқ билан ишланган, қора бўёқ бу ерда иккинчи чизик хисобланади, учинчиси негативе хусусиятидаги оқ-қора бўёқ, кейингиси, либос учун сафсар бўёқ ва охиргиси, пушти бўёқ бўлади. Рангли литографияни босмалаш оқ-қорадан қийин эмас. Энг муҳими зарурӣ рангни танлаш, у бошқалари билан уйғунлашиб талаб қилинган ранг ва тусни беришига эришиш керак. Одатда, бу ишни рассом эмас, мутахассис-ношир бажаради, аммо рассом ҳам бу жараёнда иштирок этса, баъзи ноҳушликларнинг олди олинган бўлади. Рангли литографияни босмалашдан аввал плитага валик билан тегишли рангдаги бўёқни ёйиш зарур. Сўнгра, станокка биринчи босмаланадиган бўёқ тоши қўйилади, яъни рейбер ўрнатилади, босмалаш учун қофоз тайёрланади. Тош сув ёки скрипидар билан ювилади. Тошга бўёқни сурниб ундан босма нусха олинади. Агар бўёқ ранги тўғри танланган бўлса, босма давом эттирилади. Сўнгра бўёқ плита ва валикдан скрипидар билан ивитилади ва тоза қуруқ латта билан артилади. Шундан сўнг, бўёқнинг иккинчи ранги тайёрланади, уни плитага суртилади ва иккинчи тош тайёрланади. Бўёқлар рангининг тўғрилигини текшириш учун плитада озроқ миқдорда бўёқ олиб, пичноқ билан

аралаштирилади, күрсаткич бармоқقا бир томчи олинади ва кучли босим билан тоза қоғозга босилади. Ҳосил бўлган дод ранг ва тус ҳакида тасаввур беради. Агар ранг нотўри тайёрланган бўлса, зарур бўёқдан етарли миқдорда қўшилади ва у яна синаб қўрилади. Қоғоз бўлагини олиб валикка теккизиб кўриш ҳам мумкин. Бу бўёқ ҳакида янада аниқ тасаввур беради. Бўёқларни бир-бирининг устига аниқ тушириш учун барча босмалар белгисига игна санчиб кичкина тешикча ҳосил қилинади. Бошқа тошларга қўйилган белгидан игна билан кичик чуқурчалар ҳосил қилинади. Қоғозни тошга қўйишда штанген сиркулдан фойдаланилади, аммо у бўлмаса, ёгочга кийдирилган иккита ингичка игнадан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай усулни бир эмас икки киши бўлиб қўллаган маъкул. Тайёр босма нусхаларнинг зарурий миқдоридан ташқари ҳар бир бўёқдан тоза қоғозга биттадан босма нусха олиш тавсия этилади. Бу босмалар шкала (ранг даражаси кўрсаткичи) дейилади. Бундай шкалалар босмахона ишчиси учун мустақил бўёқ танлаш имконини беради. Одатда, босмалашни тўқ бўёқ ёки контурдан бошланади, агар оч бўёқдан бошланса, у адаштириши мумкин. Агар О.Г. Верейскийнинг «Йўлдаги дам олиш» литографияси пушти бўёқдан бошлаб босмаланса, у оқ рангга нисбатан кучли туюлиши мумкин, лекин уни охирида босилса, муаллиф мўлжалидек аниқ тасвир олиш мумкин. Бўёқлар қуригандан сўнг бирининг устига иккинчисини босиш мумкин. Агар бўёқларни бир кунда босиш лозим бўлса, босма қуқунланади, бунда бўёқ ўз ёрқинлигини йўқотади. Охирги бўёқ босилиб, сўнгги босма нусха олингач, муаллиф ўзгартириш киритиш лозимлигини айтса, барча бўёқлар тоши диққат билан кўздан кечирилади ва тегишли тошларга ўзгартириш киритишга ҳам тўғри келади. Баъзан барча тошларга тузатиш киритилади. Умуман рангли литография рассоми олдига яна қуйидаги вазифалар қўйила-

ди: қора қалам ёки тушь билан ишлашда ҳар бир туснинг күчини аниқ тасаввур этиш, кейинчалик буларнинг барчаси ранг билан босилишини билиш зарур. Табийки, ранг қанча кўп бўлса, ишлаш шунча мураккаб бўлади, шу сабабли бошловчи рассом икки-уч рангдан бошлаши, сўнгра тажриба тўплангач, кўп рангли литографияга ўтиш мумкинлиги таъсирида мой сингдирмайдиган қалсийнинг азот кислотали тузига айланади. Яхшилаб ишқаланган ясси тошга маҳсус мойли қалам ёки туш билан тасвир туширилади. Сўнгра, тошга кислота билан ишлов берилади ва бироз уни намлаб бўёқ суртилади. Бўёқ фақат чизилган жойларга ўрнашади, тошнинг текис жойига бўёқ юқмайди. Литография қалами ва туши юқори ҳароратда аралаштирилган совун, мой, қатрон ва шамиси қоришмасидан иборат бўлади.

2.2.4 Тошда ишлашнинг умумий қоидалари

Тошга тушь билан ишлов беришда барча чизиклар бир хилда қора бўлиши зарур. Саргимтир ёки кулрангроқ чизиклар кислота билан текисланиб кетади ва тасвир узуқ-юлук бўлиб қолади.

Тушь билан ишлашда перони юмшоқ латта билан тез-тез артиб туриш зарур, чунки тушь тез қотиб қолади.

Эски тушни суртиб бўлмайди. Янги тушь билан ишлаган маъкул, у перодан осон оқиб тушади.

Қалам билан ишлашдан аввал уни синаб кўриш керак. Бунинг учун кичик тошга турли туслар тушириб, кислота билан ишлов бериш ва босиб кўриш зарур. Шунда босма қаламнинг афзаллиги ва камчилиги, у билан қандай ишлаш лозимлиги маълум бўлади.

Литографияда ишлатиладиган қаламлар, албатта, бир таркибли бўлиши лозим, акс ҳолда, бу кутилмаган натижаларга

олиб келади. Қалам таркибидаги турли хил мой тошга турлича сингади ва кислота таъсирига ҳар хил муносабат билдиради. Тошда ўта мойли, лекин очроқ рангли қалам билан чизилган чизик ёнидаги камрок мойли лекин қорароқ қалам чизигидан очроқ кўринади. Тошга кислота билан ишлов берилганда акси бўлиши ҳам мумкин.

Қаламнинг учи ҳамиша яхши очилган бўлиши лозим, яъни ингичка, енгил туслар учун ўткир, кучлироги учун тўмтотк бўлади. Аммо ўта тўмтотк қалам ҳам маъқул эмас, негаки у ғадирни тўлатиб кўяди ва кора жойлар нотекис бўлиб қолади, тасвир ўзининг ёрқинлиги ва шаффофлигини йўқотади.

Қаламнинг ўртасидан учига эмас, учидан ўртасига қараб ўткирлаш керак, акс ҳолда, учи синиб қолади. Қалам учини вакти-вакти билан қоғозга ишқаб туриш керак.

Тусни қалам билан дарҳол ҳосил қилиш маъқул эмас. Шундада у тозароқ ва шаффофороқ бўлади. Литографияни текислаш учли қалам билан амалга оширилади, у билан чизиклар ораси тўлатилади. Қалин чизиклар игна билан тирналади.

Тош ранги алдаши мумкинлигини ёдда тутиш зарур; тошдаги енгил тасвир оқ қоғозга босилганда тўкрок бўлади. Айниқса, литография кўкиш-кулранг тошда бажарилган иш тоза оқ қоғозга босилса, ўзгариш кучли бўлади.

Тошда тасвир қандай усулда бажарилишидан қатъий назар атрофида 3 см ҳошия бўлиши зарур, бу босиш пайтида рейбер ўрнатиш учун керак бўлади.

Тошдаги ҳошияни иложи борича кенгроқ олган маъқул, чунки ҳошияда қалам учини, перо билан чизиқни, игна ўткирлигини синаб қўриш мумкин. Тошни босмага тайёrlаш чоғида ҳошиядаги чизмаларни осон тозалаш мумкин ва у композитсияга халақит бермайди.

Тошга ниҳоятда эътиборли бўлиш тавсия этилади, айниқса, расм чизиладиган жойга қўл тегмаслиги лозим, не-

гаки құлдаги тер ва мой тошға юқиб босмалаганда қофозда дөг пайдо бүлади. Тошни ифлосламаслик учун құл остига буқланған қозғыс құйиб олиш зарур. Бир-икки қатлам қофоз юпқалик қилади. Гарчи құлдан тош мойланмаган чоғда ҳам, унинг иссиғидан тош терлайди ва қалам, тушь билан чизилған чизиқлар тошда суркалиб кетади. Эң маңқулы құл тағига иккита қалин брусоқ, устига сурладиган тахта құйишидір.

Ишлаш қулай бүлиши учун күтариб тушириш ва қиялатиш мүмкін бўлган махсус литографик стол ўрнатиш зарур.

Яна шуни ёдда тутиш керакки, ишнинг муваффакияти асбоб ва тошга тўғри муносабатда бўлиш, уларни тоза ва тартибли сақлашға боғлиқ. Шунинг учун, ишдан сўнг мўйқалам, сепадиган чўтка, сим тўр, тангир пластинкасини тозалаб ювиб қўйиш лозим.

Очилган қалам қолдиқларини тоза кутига йигиш ва чангдан асраш зарур.

Қиргич ёки игна билан ишлашда шунга алоҳида эътибор бериш керакки, улар билан тош устидаги тушь ёки қаламгина эмас, балки мой сингишга улғурган тош қатлами ҳам кириб олиниши зарур, акс ҳолда, тошга кучли бўлмаган кислота билан ишлов берилганда бу жойлар бўёқни ютиб юборади.

Хонадаги намлиқ ва ҳаво ҳарорати муҳим ўрин тутади. Нам ва иссиқ хонада қалам ва тушь юмшайди, тошдан оқиб тушади, уни туслайди, тасвир аниқлик ва шаффоғлигини йўқотади. Совуқ хонада қаламлар синади, тушь қотиб қолиб перодан тушмайди. Шунинг учун хона қуруқ ва меъёрдаги ҳароратда бўлиши зарур. Совуқ жойдан олиб келинган тошда ҳам дарҳол ишлаш мүмкін эмас. Уни хона ҳароратида ушлаб туриш керак бўлади.

2.3 ТОШНИ БОСИШ ҰСУЛИ ВА ҰСЛУБЛАРИ

Тошдан босма олиш учун литографик устахоналарда махсус литографик құл дастгоҳлари бор. Улардан дастлабки наимуна, кичикроқ тираж олиш ва құчириш учун фойдаланилади. Шунинг учун, баъзан уларни құчириш дастгоҳлари ҳам деб юритилади. Литография дастгоҳи содда тузилишга эга. Ёғоч аравага тош қўйилади. Бу аравача металл валга ўрнатилган, у дастакли шестерня билан бояланган. Дастак айланиши валга ўтади, у эса аравачани фидирекларда ўнгга ёки чапга силжитади. Аравача устида пружинали пресс ўрнатилган. Пресс остида ёғоч бруск бор, унинг пастки қовургаси сиқиб қўйилган ва ўткир бурчак ҳосил қилган. Бу бруск рейбер деб аталади. Рейбер дастгоҳ колодкасининг металл ўймасига ўрнатилади, у пуржина ва пишан туфайли қутарилиши ва туширилиши мумкин. Шундан сўнг, рейбер тошга қаттиқ босади. Босимни тартибга солиш учун құл маҳовиги ёрдамида айланувчи винт бор.

Тарангроқ бўлиши учун аравачага намат билан ёпилган ва линолеум бўлаги ёйилган ёғоч панжара ўрнатилади. Рейбер тошгача етмай турган пайтда юпка тошларни ўрнатиш учун бундай панжарарадан икки-учтаси бўлиши керак. Линолеум тошни дастгоҳда силжиш кулай бўлиши ҳамда тошни сув, скипидар билан ювиш, кукун сепиш пайтида намат ифлосланмаслиги ва уларга сингиб қолмаслиги учун зарур бўлади. Дастгохнинг ўнг томонида токчалар бор, у ерга қофоз ва тайёр босмалар каби тахлаб қўйилади. Дастгохнинг чап томонида босиш учун зарур бўлган гуммиарабик (ёғоч елими), декстрин, азот кислотаси, скипидар, тинктура, олиф солинган шишалар, сувли тогора ва бошқа нарсалар қўйиладиган стол бўлиши зарур.

Валик билан бўёқ ёйиладиган мармар плита асосий ўринни эгаллайди. Албатта, қўпинча плита ўрнига текис жилвир-

ланган литографик тошдан фойдаланилади. Иш тугагач, бүек ёйилган плита тозалаб ювилади ва латта билан артиб қуритилади. Бүек ёйиш учун плита гуммиарбик ёки декстрин ва зарурий ашёлар қўйиладиган стол учун губка ёки тампон зарур бўлади. Кислотага ишлатилган губка билан декстрин ёки гуммиарбик олиб бўлмайди. Бўекни тошга суртиш учун маҳсус чарм ва резинка валиклар бор. Чарм валиклар тукли ва текис бўлади. Чармнинг ички ғадир-будур томони билан ясалган валик тукли, чармнинг ташқи томони билан ясалган валик текис ҳисобланади. Тукли валиклар билан қалинроқ бўеклар, текис ва резинка валиклар билан унча кучли бўлмаган (рангли литография) бўеклар ёйилади. Ишни бошлашдан олдин ва кейин валикларни яхшилаб тозалаш ва маҳсус шкафда сақлаш лозим. Хулоса қилиб айтганда, рассом учун автолитография билан шуғулланиш қизикарлидир, аммо буни фақат қаламтасвир ва рангтасвир маҳоратини эгаллаган кишигина амалга ошириши мумкин. Бунинг учун маҳсус тайёргарлик ва маҳоратга эга бўлиш талаб этилишини унутмаслик лозим.

Биокислоталаш ва тасвирии босиши техникалари. Ҳозирги кунда анъанавий литографияда янги материаллар оддийроқ ва хавфсизроқ, улардан воз кечолмаслиги билан аҳамиятлидир, булар ацетон, суюкроқ бўек, дастлабки локлар, фосфорли, азотли кислота, ўткир литолар ва нефт уларга мисол бўла олади.

Литография тошларида босма босиши дастурини яқин йилларда, колледж ва университетлар билан ҳамкорликда келишуввлар бўлади, чунки, ЕПА йўриқномалари ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қизиқиш тобора ортиб бориши мумкин. Таълим берувчилар талабаларга хавфли асбоблардан фойдаланишини тўғри ҳимоя қилиш, шунингдек, азотли кислота ва ўткир моддалардан асррагандек, деб талаб қилишади. Бу китобни муҳокама қилган кашфиётчиларга, раҳмат, таълим ре-

жасида якка литография тошидан босма босиш қисмини қайтадан күриб чиққанлари учун.

Тошни биокислоталаш

Тошдаги суратни смола қилиниб бир мартада чизилиб охирига етказилади ва унга упа суртилади. Суврат кислоталанган смола қилинган бўлиши, упа суркалиши, елим кислоталардан фойдаланган ҳолда оксидларларнинг таъсиридан, доғлардан химояланади. Елим гупка билан упа кислотаси ва араб елимининг қоришимаси тошга суркалади. Тахминан, икки минутларда тош атрофни кислотадан қурийди, секинроқ ишқаланади, кейин буни мутахассис томонидан (кичик айлана чизиклар билан тез фойдаланиш) зичланган мато билан иш давом эттирилади. Агар сизнинг суратингиз диққат билан чизганизда жуда ёруғ жойига (эпизодларни литографик тошли, ранги қаламлар #4, #5 рақамлilari ишлатилади) тўхталиб амалга оширилади. Биринчи бўлиб, сурат майдони араб елими билан кислоталанади кейин, тошнинг қолган қисмини упа кислотаси билан араб елими аралашмалари суркалади. Шунингдек, тошни мутахассис нафис чизилган суратни упа кислотасини кислоталаб, ўрта меъёрда синаб кўрилади. Тун бўйи тошни куруқ жойда сақлашга руҳсат этилади.

Тешик қалпоқ, органи респираторини кийиб, пахта буюми ёки қофоз сочиқлардан фойдаланиб, Д&С био эритмаси билан сурат юзаси ювилади. Шунга қарамай, чизиш босқичи литолинедан қараганда секинроқ, фақат бу кўп фойда бўлишининг зарурати йўқ. Мутахассис суратни сочқуритгичи ёки қўл елпифичи билан қуритилади. Суратга оз миқдордаги Д&С Биолақ суюклиги қўйилади. Тахминан, 1минут 40 секундларда у тош атрофига суркалади.⁸

⁸ Dwight Pogue. Printmaking Revolution – New York: Watson-Guptill, 2012. page 26

Назорат учун саволлар:

1. Литография тошларининг турлари ва улар қандай физик-механик хусусиятларга эга?
2. Тошни тозалаши ва ишилов бериш қандай амалга оширилади?
3. Тошга сурат тушириши ва ишилаш жасаёни нималардан иборат?
4. Тошда ишилашининг умумий қоидаларига нималар киради?
5. Тасвирни босиши техникаси ва унга қандай ашёлар қўлланилади?

Амалий топшириқлар:

- a) Кичик амалий тажсрибалар воситасида тошларининг турларини аниқланг.
- б) Тошга суратишилаш жасаёнида, тошибосма асарлари намуналарини ўрганинг.
- в) Тасвирни босиши жасаёнида ўзингиз ҳам иштирок этинг.

III. БОБ АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАР

3.1 КУЗГИ МЕВАЛАР, ИДИШ ВА ИРЕДМЕТЛАРДАН ИБОРАТ НАТЮРМОРТНИ ТОШБОСМАДА ИШЛАШ.

3.1.1 Натюроморт хақида түшүнчә

Натюроморт – портрет, манзара, композиция жанрлари каби тасвирий санъатнинг ўзига хос мустакил жанридир. Натюроморт санъати инсон майший ҳәётининг зарур буюмлари дунёсини акс эттиради. Бу зарур буюмлар нималардан иборат: идиш товоқлар, иш куроллари, сувенирлар, ҳайкалчалар, гуллар, мева-сабзавотлар, полиз экиnlари маҳсулотлари, котирилган қушлар, кичик ҳайвонлар, хуллас, мавзуга мөс келгандар барча буюмлар, ҳаттоғы оёқ кийимларгача ушбу тасвирий санъат жанрида фойдаланиш мумкин.

Европа тасвирий санъатида бундай суратларни «сокин ҳәёт», «буюмлар ҳәёти», «турмуш ранг тасвири» каби номлар билан аташган бўлса-да, бундай асарлар ҳамон «натюроморт» деб юритилади.

Натюроморт тузиш – ижодий ишдир. Унда мусаввирнинг диди ва лаёқати, композицияни фикрлай олиш маданияти на-моён бўлади. Тасодифан териб қўйилган нарсаларни натюроморт деб бўлмайди.

Натюроморт тузиш мақсадига қараб ўкув ва ижодий бўлиши мумкин. Ўкув натюромортлари ижодий натюромортдан, албатта, фарқ қиласи. Ўкув натюроморти маълум дастур талабини ўрганиш учун бажарилади.

Натюроморт асарини тасвирлашда буюмларнинг барча хусусиятлари, шакли ва ранг, қаттиқ-юмшоқлиги, сиртининг ялтироқ ёки хиалигига қараб тасвирланади. Ҳаққоний тасвирланган натюроморт асарларидан меванинг мазаси, гулларнинг хиди келиб туради. Тасвир ва натура ўртасида нисбат уйғунликларини тўла ифодалай олиш талаб этилади.

3.1.2. Натюрмортни қозғозга ишилаш жараёни

Дастрраб натюрморт чизиш, сўнгра топширикни мураккаблаштириш мумкин. Бу қўл учун яхши машқ ҳисобланади, шундан сўнг, рассом ашё билан бемалол ишлаш кўнимасига эга бўлади.

Турли шаклга эга, ўлчами, материали бир-биридан фарқ қиладиган нарсалардан иборат бўлган натюрмортни: алюмин човгум, сопол кўза, бир жуфт қўзиқорин, дараҳт пўстлоғидан ясалган саватча, мевалар, оқ ва тўқрок тусга эга бўлган матолардан фойдаланган ҳолда туздик. Унга жуда кўп нарса кири-тилмади, лекин уларнинг шакл ва туслари ҳар хил бўлишига эътибор бериш керак.

Композиция марказини бўрттириб кўрсатишда каттароқ ўлчамли жисмлар сурат текислигининг марказига яқин жойга ҳиёл орқароқقا, майдалари олдинроқда бири иккинчиси ва асосий нарсани бир оз беркитиб турадиган қилиб қўйилади.

Танланган тошнинг ҳажмига қараб қофоз (формат) танланади. Қофоз юзасида композиция аниқлаб олингандан сўнг, предметларни конструктив қурилмасига ўтилади, энг ёргу ва энг соя жойлари аниқ чегараси белгилаб чиқилади. Бу босқичларнинг вазифаси, нарсанинг энг ёрқин жойи, соя, ярим соя, рефлекс, буюмнинг тушувчи соялари аниқ чизиқлар воситасида белгилаб олишдан иборат.

Натурадан ишлаш жараёнининг ўз қонуниятлари мавжуд бўлиб, бу ишни тартиб билан олиб бориш талаб этилади. Кетма-кетлик тартибини англаган ҳолда бажарилган иш маҳсулни муҳим аҳамиятга эгадир. Предметларни тонал фарқларини, ўзаро муттаносиблигини тўғри ифодалаш, ишни нимадан бошлаш, унинг орасида қандай талабларга жавоб бериш ва қай ўринда тугаллаш кераклигини яхши билмоқ зарур.

Натюрмортни талабалар 2 – 3 сеансда чизиб тугатадилар. Қофоз ва қалам ёрдамида ишланади.



Натюрморт ишлашнинг 1-жасараёни



Натюрморт ишлашнинг 2-жасараёни



Натюрморт ишлашининг 3-жараёни



Натюрморт ишлашининг 4-жараёни

3.1.3. Ишланган тошвирии тошга құчириши

Танланган тошни сайқаллаш жараёни (олдинги сұхбаттарда гапириб үтган әдик) тугагач, тошимиз тайёр бұлғандан сұнг, тошни яхшилаб ювиб ташланади ва сунъий шамол ёрдамида қуритилади. Чизилган натюрморт суврати калька ёрдамида тошга үтказилади калькага ретушь қалами билан чизилади. Тошни сув ёрдамида намлаб калькани тош устига құйиб күл ёрдамида ёпиштириб, устидаги сувни сидириб ташлаймиз ва калькады сурат устидан қаттық қалам ёрдамида чизиб чиқилади ва калька тош устидан олиб ташланади. Сувратдаги чизиклар тошга тушиб қолади. Литография уста хонасида маҳсус тайёрланган күзгули стол устидан ишланади. Тошга чизиш учун маҳсус литография қалами (стеклограф қалам) ва тушлар ишлатилади. Чизилган натюрморт босқичмабосқич ишланади.

3.1.4. Кимёвий ишлов беріши ва босма нұсха олиши

Суврат күзгу орқали 2 – 3 сеанс давомида тошга чизилади ва ниҳоясига етгандан сұнг тош маҳсус кислота ёрдамида травление қилинади, кислота тошга сингиб қуриғандан сұнг, тош юзасидаги қолған кислота сув ёрдамида яхшилаб ювиб ташланади. Тошни намлаб олча смоласидан тайёрланган суюқлик күл ёрдами билан бир сидра сурилиб қуритилади. Құруқ тошни тоза скрипидар билан артиб тозаланади. Типография бүёғи билан валик ёрдамида тошга бүёқ суртиб чиқилади. Қоғоз намланиб тош устига құйилади ва маҳсус литография станоги ёрдамида босиб чиқарилади. Биринчи олинадиган нұсха (отиск) контроль нұсха бўлиб, унда камчиликлар тұғриланиб кейинги олинадиган нұсхалар (отисклар) яхши чиқади. Ҳар бир чиқкан босма ҳақиқий ҳисобланади.

Натурадан тошга чизматасвир ишлаш олдидан ёш рассом техник машқлар бўйича қўлланма билан танишиб чиқиши зарур. Техник машқларни эгаллаб олиш, силлиқ ва ғадир-будир тошларда ишлаш услубини ҳар томонлама амалда ўрганиш имконини беради. Тошбосма-рассоми учун иш жойининг аҳамияти катта.

Хонанинг ҳарорати мўътадил ва ҳавосининг намлиги меъёрида бўлгани яхши, чунки иссиқдан ва ортиқча намлиқдан тушь чаплашиб кетади, тошбосма қаламлари эса юмшаб қолади.

Силлиқ тошни ишлатишдан олдин, тошчани таёрлаб кўйиш, уни қунт билан силлиқлаш, горизонталлигини чизғич билан текшириб кўриш, ҳамма зарур асбоблар ва материаларни тахт қилиб қўйиш зарур.

Тошда бажариладиган дастлабки иш куйидагидан иборат: кичикрок тошда, қаттиқ кўргошин ёки металл қалам билан саккизта туғри бурчаклар чизиш ва улардан синов машқларни бажариш лозим. Биринчи туғри бурчакка юмшоқ мўйқалам билан тушни бир текис қилиб қўйиш керак. Иккинчисига перо билан турли қалинликдаги штрихларни ҳар хил йўналишларда тушириш лозим.

Сўнгра, рейсфердер ёрдамида чизғич ва учбурчак чизғич буйича йўғонлиги ҳар хил ва бири иккинчисидан турли масофада бўладиган бир неча туғри параллел чизиқчалар ўтказиш керак.

Циркуль ва юмалоқ перо ёрдамида бир неча концентрик доиралар қилиб, ҳар хил йўғонликдаги чизиқлар чизилади. Тон кучини хар-хил қилиб сачратқилар қилиш, сачратилган жойларни аста-секин тўсиб турган ҳолда тон кучи буйича турли хил шкала ҳосил бўлишига эришиш лозим. Тўғри бурчакка мўл қилиб тушь тушириш, тушь яхши қуригандан сўнг, ундаги оқ штрихларни кўчириб ташлаш ва игна билан чизғич

ёрдамида чизиқлар ўтказиш керак ва ниҳоят, бу ерга ҳам тушни күйиш, сұнгра тушь қуригандан сұнг шабер билан ишлов бериш лозим.

Тошни охорлаш жараёни тошбосмалар учун асосий ишлардан бири хисобланади. Тошда ишлашдан олдин чизматасвир туширилади, сұнгра унга тальк кукуни сепилади, ортиқча қисми пахта билан тозаланади. Тальк ёғли чизматасвирға ёпишади ва унинг штрихларида чизматасвирнинг охорлашга қаршилигини оширадиган юпқа парда ҳосил қиласы. Кейин юмшоқ булатутча ёки дока тампонга охор солинади ва тошнинг ҳамма юзасига, бир жойда тұхтаб турмай ва бүш колдирмай бир текис қилиб қопланади.

Охор таркибиға 3-5% нитрат кислота эритмаси билан 30-40% декстрин эритмаси ёки 10-15% гуммиарабик эритмаси киради. Охорнинг күчлилік даражаси тажриба буйича, тошнинг қаттиқлигига ва чизматасвир характеристига күра аникланади.

Масалан, тушь билан чизилған чизматасвирни күкимтирулранг қаттиқ тошни, қалам билан чизилған юмшоқроқ сарық тошга қараганда күчлирок охорлаш керак

Ишнинг бундай нозик томонларни билган рассом, үз ишини сифатли бажара олади.

Аввал тошнинг тоза жойларини-четларини охорлаш лозим. Бу вақтда охор кучини билиб олиш мүмкін. Баъзан охорлашда ортиқча кислота бұлса, охорлаш жадал кечади, тош сатхида пұфакчалар ҳосил бўлади, бу ҳолда охорни бевосита тош чеккаларида соф гуммиарабик ёки декстрин эритмаси билан суюлтирилади ва шу тариқа уни кучсизлантирилади. Шундан сұнг, чизматасвирнинг ўзини охорланади. Бироқ, тушь ва қаламда ишланған чизматасвирни кучли охорлаган маъкул, акс ҳолда, босишка йўл-йўл чизиклар пайдо бўлиши мүмкін. Шунинг учун ишни катта тажрибаси бўлган, малакали уста кузатиб туриши ғоят мухимдир.

Тошни бир жойда тұхтаб турмай тез ва бир такисда охорлаш лозим, акс ҳолда, босилаётган чизматасвира йул-йул чи-зиқлар пайдо бүлади. Тошда охорни губка ёки дока тампон билан бир неча кесишма қарапатлар билан тақсимлаш лозим.

Тошнинг кир теккан, қалам ёки тушнинг ортиқча излари қолган чеккаларини пемза билан тозалаш лозим. Бунинг учун тош четлари сув билан ҳұлланади ва шу ҳолатта пемза бұлак-чеси билан тозаланади. Шундан кейин қолган кирни расмга зарар етказмасдан әхтиётлик билан ювиги ташланади, сұнгра тошни охорлашга киришилади. Охорлашни тугаллагач, тош сув билан ювилади ва соғ декстрин ёки гуммиарабик эритмаси билан бекитилади.

Чизматасвири охорланган тошни юз томони юқори қилиб дастгох араваси ўртасига қўйилади ва чети рейберга маҳкамланади. Пресс билан босими синааб кўрилади, рейбернинг тошни босиб туриш даражаси аниқланади. Рейберни доимо тошнинг катта-кичиклигига қараб олиш керак. Агар рейбер катта бўлса, тош четлари остида босилиб қолади, жуда кичкинаси ҳам тошни синдириши мумкин. Рейбер узунлиги тошдан 1-2 см га кичик бўлгани яхши.

Ишдан олдин рейберни ҳамиша текшириб кўриши лозим, чуни оз-моз нотекис жойда бўлса, ишга таъсир қиласи ва нусхада йул чизиқлар пайдо бўлади. Рейбер нотекис турган бўлса, бунинг учун қумқоғоз олинади ва уни ишлаб тозаланади. Бу ишлар силлиқ стол ёки тошбосма тошида қилинади.

Энг яхши рейберлар қора қайниндан ишланади. Чизматасвир ва тош ўлчамлари, айниқса, катта бўлганда, рейбернинг ўртасини ботикроқ қилиб тайёрлаш тавсия этилади. Бундай рейбер, дастгох пресси остида туғриланади ва тошнинг бутун юзаси бўйлаб босимнинг бир хил булишини таъминлайди.

Пресс босимини аниқлагач тошнинг бир четида рейбер силлиқлиги текширилиб, дастгох аравачаси сурилади. Шу

йўл билан тошнинг иккинчи учидаги босим кучи аниқланади. Тошнинг бир учи, иккинчи учидан бирмунча пастлиги маълум бўлса, тошнинг пастроқ ётган чети остига бир неча вараг қоғоз қўйилади ва тош қалинлигидаги тафовут бартараф этилади. Агар шундай қилинса, босма нотекис чиқади, чунки тошнинг пастга ётган четида камроқ босими тушади, ва бу жойдаги нусха бирмунча хира чиқади.

Қалин бўлмаган қоғоздан фойдаланиш маъқул. Бир неча вараг қўйилиши лозим бўлса, қоғоз четлари сийраклаштирилади. Ҳамда тошда пресс остида синаб қолмаслиги учун уни аста-секин силжитиб қўйилади.

Назорат учун саволлар:

1. Натюроморт эсанрининг ўзига хослиги нимадан иборат?
2. Натюроморт тузишнинг қондагардан нималардан иборат?
3. Сувратни тошга кўчирини усувлари қандай?
4. Тошга суврат ишлари қонда ва имкониятлари қандай?
5. Тошга кимёвий ишлов берини ва босма нусха олии қондагардан қандай?

Амалий топшириқлар:

- a) Устоз рассомларнинг асарларини кўриб ўрганинг.
- б) Турли предметлардан натюроморт тузинг.
- в) Тошга кимёвий ишлов берини ва босма нусха олии жараённида иштирок этинг.

3.2. УСТОЗ РАССОМЛАР ЛИТОГРАФИЯ АСАРИДАН ҚОҒОЗГА НУСХА КҮЧИРИШ.

3.2.1. Литографияда ишланган бирор буюк рассомнинг асаридан намуна олиб қоғозга қаламда нусха күчириши.

Графика санъати йўналишида узоқ асрлар давридан бизларгача етиб келган буюк санъат асарларини кузатар эканмиз, хоҳ у натюрморт бўлсин, ёки табиат манзарасими уларда оддий нарсаларнинг юксак бадиий тасвирини кўрамиз.

Устоз график рассомлар асарларидан нусха кўчириш талабани тасвирий санъатнинг ифода воситалари, турли бадиий материаллари, техникаларнинг хусусиятлари ва улардан фойдаланиш йўлларини мукаммал эгаллашида аҳамияти катта. Вазифалар оддий предметлардан ташкил топган натюрмортдан бошланиб вауларни методик изчиллик билан мураккаблаштириб бориш каби мақсадларни ўз олдига қўяр экан, рассом асаридан нусха кўчириш ҳам, олган билимларни янайм мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Вазифани тўғри бажариш учун ишни нимадан ва қандай бошлаш керак?

Тахминан 22x30 см ҳажмда қалин, фактурага эга оқ қоғоз кичик планшетчага тортилади. Танланган репродукция планшет ҳажмига мослаштириб (сканер ёрдамида) фото нусхасини тайёрлаймиз. Репродукцияни калька қофоз ёрдамида оддий қалам билан асосий катта қисмларини чизиб чиқамиз. Кальканинг орқа тарафи алоҳида текислик устида қалам билан бўяб ёпиб чиқилгач, тортилган планшет устига текислаб ётқизилади ва сурат устидан нозик ҳаракатлар билан қаламда ўтиб чиқилади.

Суратни юмшоқ ўткир қалам билан юқоридан пастга қараб ишлашни бошлаймиз, суратнинг паст қисми тоза туриши учун қоғоз вараги қўйиб ишласак, мақсаддага мувофиқ бўлади.

Штрихлаш жараёнида барча дикқатингиз асл нусхага қаратилиши лозим, ҳар бир деталга қандай ишлов берилгандын, унинг бажарилиш техникасига катта эътибор беринг, ана шунда профессионал рассомнинг тажрибасидан ўзингизга фойдали бирор нарсага эга бўласиз. Вазифанинг асосий мақсади ҳам шунда, ишга шунчаки юзаки ёндошилса ҳеч қандай натижа бўлмайди.

Тугалланган иш фиксаж ёки соч локи (ишни суркалишдан муҳофазаловчи суюқлик) билан қотирилиб (паспорта) картонли ромкага жойлаштирилиб кўрикка тақдим этилади.

Назорат учун саволлар:

1. Нусха қўчириши топшириқларидан кутиласидиган натижалар қандай?
2. Асл нусхани қоғозга тушириши усувлари қандай?
3. Сурат ишишининг қоида ва имкониятлари қандай?
4. Тугалланган ишни кўрикка тайёрлаш қоидалари қандай?

Амалий топшириқлар:

- a) Устоз рассомларнинг асарларини кўриб ўрганинг.
- b) Мустақил равишда қўшиимча нусха қўчиринг

3.3 АРХИТЕКТУРА ИШТИРОКИДА ТОШБОСМАДА МАНЗАРА ИШЛАШ

3.3.1. Манзара турлари ва тошибосма асарларни ўрганиши

Манзара жанри ҳам, натюрморт каби бир қанча турлари бўлиб булар: ўрмонзорлар, мевали дарахтлар, дарё денгизлар, тоглар, далалар, шаҳар, қишлоқ қўринишлари, йил фасллари билан бодлиқ ва яна бир қанча қўринишларга эга турлари мавжуд бўлиб, биз эса архитектура билан бодлиқ қўринишини вазифа сифатида қўриб чиқамиз. Литографияда бажарил-

ган устоз рассомлар асарларини, репродукцияларни диққат билан күриб чиқамиз.



Манзарачи рассом ўзига табиатнинг бир бурчагини танлар экан, унинг атрофини ўраб турган оламни чуқур ҳис этишга ҳаракат қиласи ва шу заҳотиёқ бўлажак ишининг композициясини тасаввуридан ўтказар экан, унинг турли вариантиларини кўз олдига келтиради.

Профессионаллар тилида бу манзара ишлаш жарёнида «мотив»ни излаш, унинг маъноси кўриш тасаввуридан ҳосил бўлган, воқеликнинг энг асосидир.

Агар сиз «дараҳтни асосий» деб манзара ишласангиз хамма эътиборни дараҳтнинг шаклига унинг соя ёруғига ажратасиз. «Мотив» манзара картинанинг пластик ва колористик ечимини ифодаловчи ўзакдир.

3.3.2. Манзарани қоғозга ишлаши жараёни

Вазифа бўйича манзара ишлашда композициянинг асосини меъморий обидалар бинолари ташкил қилиши керак. Она юртимиз тарихий меъморий обидаларга жуда бой ўлка. Натюромртга қараганда манзара учун формат танлашни имконияти кўпроқ бўлса-да, барибир литография устахонасида ги имкониятлардан келиб чиққанимиз маъқулроқ. Танланган тошнинг ҳажмидан келиб чиқиб, қофоз (формат) танланади. Кичик планшет, турли хил юмшоқ ашёлар билан табиат қўйнига интиlamиз. Меъморий обидаларни қузатар эканмиз, уларни маҳобати, архитектурасининг ўзига ҳослик жиҳатларини диққат билан қузатамиз. Манзарани чизиш жараёнида, авваламбор, унинг композицион ечимини топишда, бинони куруқ ўзини эмас, балки атроф муҳит дараҳтлар, йўллар, одамлар ҳаракати билан боғлаб ишлашга ҳаракат қиласимиз. Суратга ишлов беришда, асосан, қора қаламда, акварелда гризайл услубида бир рангда ишлаш ҳам яхши натижа беради, энг ёруғ ва энг соя жойлари аниқ чегараси белгилаб чиқилади.



3.3.3. Манзарани чизишини тугатиш, тасвирни тошга күчирishi

Натурадан ишлаб тугалланган сувратни калька қозға ёрдамида оддий қалам билан асосий катта қисмларини чизиб чиқамиз. Калькани орқа тарафи алоҳида текислик устида қалам билан бўяб ёпиб чиқилгач, тозаланган тошнинг устига текислаб ётқизилади ва суврат устидан нозик ҳаракатлар билан қаламда сувратни асосий контурлари ўтиб чиқилади. Чизиб тугатилгач, асл нусҳадан девордаги тош ойна кўзгу орқали манзарани тонал жиҳатларини ва деталларига ишлов беришни бошлаймиз. Тошбосмада сувратга ишлов беришни имкор қадар тепадан пастга қараб ишлаб тушиш тавсия этилади, бунда юқорида айтиб ўтилан тахтакач (подставка)дан фойдаланилса, тош юзасига қўл тегиб туриши ва бошқа ёғлиқ доғлар тушиши натижасида, босиш жараёнида ўша ерлари ўзига бўёқни қабул қилишини ва ишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатишини олдини олган бўламиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тошда ишлашда стеклограф қалам, майдо деталларга бой архитектура манзараси (нақшинкор қисмлари) учун маҳсус тайёрланган тушда перо билан ишлаш яхши натижада беради.

Тошда ишлашни тугатиш ва босма нусха олиш.

Иш ниҳоясига етгандан сўнг тош маҳсус кислота ёрдамида травление қилинади, кислота тошга сингиб қуригандан сўнг, тош юзасидаги қолган кислота сув ёрдамида яхшилаб ювиб ташланади. Қуруқ тошни тоза скрипидар билан артиб тозаланади. Типография бўёғи билан валик ёрдамида тошга бўёқ суртиб чиқилади. Қозғ намланиб тош устига қўйилади ва маҳсус литография станоги ёрдамида босиб чиқарилади. Манзаранинг характеристига мавзусига қараб, қозғозларни турли тус ва ранглардан турларидан фойдаланиш тавсия этилади. Биринчи олинадиган нусха (отиск) контроль нусха бўлиб,

унда камчиликлар тұғриланиб кейинги олинадиган нусхалар (отисклар) мүлжалдаги даражамизга етгунча босилади. Ҳар бир чиқкан босма ҳақиқий ҳисобланади.

Назорат үчүн саволлар:

- 1. Манзара жанрининг ўзига хослиги нимадаи иборат?*
- 2. Архитектура билан манзара ишилаш қоидалари нималардан иборат?*
- 3. Суратни тошга күчирин ва ишилаш усуллари қандай?*
- 4. Тошга кимёвий ишлов берини ва босма нусха олиши қоидалари қандай?*

Амалий топшириқлар:

- а) Устоз рассомларнинг асарларини күриб ўрганинг.*
- б) Турли йўналишларда манзаралар ишиланг.*
- в) Тошга кимёвий ишлов берини ва босма нусха олиши жараённида иштирок этинг.*

3.4. УСТОЗ ГРАФИК РАССОМЛАРНИНГ МАНЗАРА АСАРИДАН КОФОЗГА НУСХА ОЛИШ

3.4.1. Буюк рассомнинг литография асаридан қаламда қоғозга нусха күчирини.

Манзара жанрига мансуб графика санъати йўналишида узок асрлар давридан бизларгача етиб келган буюк санъат асарларини кузатар эканмиз, уларда оддий нарсаларнинг юксак бадиий тасвирини қанчалик моҳирлик билан ишланганини кўрамиз.

Устоз график рассомларининг манзара асарларидан нусха күчирин талабанинг тасвирий санъатнинг ифода воситалари, турли бадиий материаллар, техникаларнинг хусусиятлари ва улардан фойдаланиш йўлларини мукаммал эгаллашида аҳа-

мияти катта. Вазифалар оддий күринишлардан ташкил топган манзаралардан бошланиб ва уларни методик изчиллик билан мураккаблаштириб бориш каби мақсадларни үз олдига құяр экан, рассом асаридан нусха құчириш ҳам, олган билимларни янаям мустаҳкамлашга хизмат қиласы.



Сурат формати вертикал ёки горизонтал ҳолатда бўлиши мумкин, тахминан 22x30 см ҳажмда қалин, фактурага эга оқ қофоз кичик планшетчага тортилади. Танланган репродукция планшет ҳажмига мослаштириб фото нусхасини тайёрлаймиз.


3.4.2. Суратни калька орқали құчириши ва унга ишлов берииш

Репродукцияни калька қофоз ёрдамида оддий қалам билан асосий катта қисмларини чизиб чиқамиз. Калькани орқа тараги алоҳида текислик устида қалам билан бўяб ёпиб чиқилгач, тортилган планшет устига текислаб ётқизилади ва сурат устидан нозик ҳаракатлар билан қаламда суратни асосий контурлари ўтиб чиқилади. Чизиб тутатилгач, асл нусхадан манзаранинг тонал жиҳатларини ва деталларига ишлов беришни бошлаймиз. Сувратга ишлов беришни имкон қадар тепадан пастга қараб ишлаб тушиш тавсия этилади, бунда юқорида айтиб ўтилан тахтакач (подставка)дан ёки қофоздан фойдаланилса, қофоз юзасига кўл тегиб туриши ва бошқа доғлар тушиши натижасида, ишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатишни олдини олган бўламиз.

Суврат майданда деталлардан, айтайлик, орнамент ёки мураккаб майдан элементлардан иборат бўлса, катталаштириб берувчи кўзгу (лупа) дан ҳам фойдаланишимиз мумкин.

Тугалланган иш фиксаж ёки соч локи (ишни суркалишдан муҳофазаловчи суюқлик) билан қотирилиб (паспорта) картонли ромкага жойлаштирилиб кўрикка тақдим этилади.





Назорат учун саволлар:

1. Нусха күчириши топшириқларидан күтиладиган натижалар қандай?
2. Асл нусхани қогозга тушириши усуллари қандай?
3. Сурат ишишининг қоида ва имкониятлари қандай?
4. Тугалланган ишни кўрикка тайёрлаш қоидалари қандай?

Амалий топшириқлар:

- a) Устоз рассомларнинг асарларини кўриб ўрганинг.
- б) Мустақил равиида қўшимча нусха кўчиринг.

Глоссарий

Автолитография – муаллифлик тошбосма асари

Автографский – тошбосма учун маҳсус қоғоз тури (корнпалир)

Акватинта – маҳсус рух таҳтача юзасида кислотага чидамли қа-нифолдан тўр ҳосил қилиш ва фактурани яратиш имконини берув-чи офортилган асосий усуллардан бири

Блик – Ёруғлик нури энг кўп акс этган ялтирок жой

Выкрывание – металл таҳтачани кислотада ишқорланмаслиги учун маҳсус лак билан беркитиш

Высокая печать (юкори босма) – таҳтачадаги босма олиш элементларини баладда жойлашуви

Гладилка (Текислагич) – текислагич асбоб, таҳтачадаги кераксиз қизиқларни кетказгич

Глубокая печать (Чукур босма) – иш таҳтачасида босма элемент-ларнинг чукур жойлашуви

Грунтовка – бирламчи, хомаки бўёқ қатлами

Гризайль – умуман бир ранг ёрдамида ишланадиган тусдаги тасвир

Доска – босма олиш таҳтаси (металл, линолеум, маҳсус ёғоч ва ҳ.к.)

Гамма – муайан конуниятга бўйсунгандан ранглар сираси.

Гармония (Уйғунлик) – рангтасвир ишлашда рангларнинг ўзаро уйғунлиги

Декоратив – зийнатли

Деталь – ишланаётган натуранинг маълум бир қисми

Жанр – тасвирий санъат асарининг кайси турига мунсублиги

Интервал – оралиқ

Классик – мумтоз

Контраст – қарама-карши, кескин фарқ

Клише цинковый – руҳли клише (кўп нусхада босма олиш учун цилиндр юзига металл қоплаш)

Материал – ҳом ашё

Картина – бадиий аҳамиятга эга бўлган санъат асари

Матрица – босмада кўпайтирилган шакл шелкография усулида

Масштаб – ҳажм, кўлам

Метод – услуг

Монотипия – бир марта олинадиган босма нусх

Мягкий лак – юмшоқ лок (офорт техникасида қалам усулида ишқорланиб ишлаш усули)

Набор – йигма
Натюрморт – жонсиз буюмлар тасвири
Натура – аслига қараб чизиш
Образ – асар рухиятини очиш, сиймо, тимсол
Офсет – расмли формадан резинкага күчириб, ундан қозға бо-
сиш усули
Печать – босма
Пластик образ – қиёфа, сиймо, чөхрани профессионал даража-
даги тасвири
Пластишка – босма учун ишлатиладиган металл тахтача
Плоская печать – босма элементларни бир хил текисликда жой-
лашуви
Подкладка – (графикада) күшимча босма олиш тахтачаси
Полоса – ҳошия, йўл
Перспектива – қисқариш
Ракурс – тасвири ёнидан, тепа ёки пастдан кўриниши
Реалистик – ҳаққоний воқелик
Репродукция – асарнинг босма нусхаси
Рисующая доска – асосий босма оладиган тахтача
Символик – рамзий
Стандарт – тасдиқланган ўлчам, ҳажм, шакл
Сухая игла – игна билан металл тахтачага расм ишлаш
Сюжет – моҳият, маъно
Силуэт – сояга ўхшаш яхлит тасвир
Тема – мавзу
Травленный штрих – игна билан чизиш ва уни кислотада иш-
корлаш
Тоновой переход – тусларнинг очдан тўққа қараб бориши
Форма – шакл
Формат – ўлчам
Характер – феъл, ахлоқ, хулқ-тасвирий санъатда моделнинг ички
ва ташки қолатини ўзига хослигини белгилайди
Шабер – офортда ишлатиладиган асбоб
Штрих – турли йўналшдаги ва тусдаги чизик
Эстами – босма усулда кўпайтирилган санъат асари
Эскиз – асарнинг хомаки нусхаси
Этюд – машқ (гризайл ёки рангда бўлажак асарга ишланган хо-
маки сурат)
Черная манера – қора техника (офортнинг меңотинто усулида ишлаш)

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. *Printmaking Revolution.* Dwight Pogue. New York, 2012. p.244
2. Cari Ferraro. *The art of calligraphy and lettering* – Ирвайн: Walter Foster, 2011. p.144
3. Вохитов.И. Ашёда ишилаш.1-қисм. Т. 2008 йил. –78 б.
4. Вохитов.И. Ашёда ишилаш.2-қисм. Тошкент. 2009 йил – 105 б.
5. Артиқов.Г Рангтасвир техникаси ва ашёлар технологияси. «Шарқ».
6. Алексеева М. «Гравюра Петровского времени» Методическое пособие. М.: «Искусство», 1990.-194 с.
7. Кругликова Е. «Художественная гравюра и техника и офорта и монотипы», Учебное пособие. М.: «М.Наука» 1914.-171 с.
8. Суворов П.И. «Искусство литографии» Учебное пособие. М.: «М.Наука» 1964.-268 с.
9. Однородов Н.В. «Материалы в изобразительном искусстве» Учебное пособие. М., 1983. – 213 с.
10. Быков В.В. «Материалы и техника художественно-оформительских работ» Учебное пособие. М.: «М.Плакат» 1986. – 135 с.
11. *The public studio. «Linoblock printing»Canada*

Кўшимча адабиётлар

1. С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент «Мехнат» 1991й.
2. А.Хакимов. Современная декоративная пластика Узбекистана. – Т.,1992 йил.

Интернет сайтлари

1. www.vgik.info
2. www.pencil.nm.ru
5. www.msus.org
6. www.artacademy.spd.ru
8. www.ziyonet.uz
9. www.mrdi.uz

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
-------------	---

I БОБ. ГРАФИКА АШЁ ТУРЛАРИ

1.1 ГРАФИКА БОСМА ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	4
1.1.1. Гравюра	4
1.1.2. Эстамп	5
1.1.3. Линогравюра	5
1.1.4. Ксилография	6
1.1.5. Офорт	6
1.1.6. Литография	8
1.1.7. Шёлкография	9
1.2. ҚАЛАМ ТУРЛАРИ.....	10
1.2.1. Графит қалам	11
1.2.2. Ретушь	12
1.2.3. Стеклограф	12
1.3. ГРАФИКАДА – ЮМШОҚ АШЁЛАР	14
1.3.1. Сангина.....	14
1.3.2. Соус	15
1.3.3. Пастель	16
1.3.4. Күмір ва күйдірилган ёғоч қаламчалари	17
1.3.5. Үйирғыч	19
1.4. СУВЛИ БҮЁҚЛАР	20
1.4.1. Акварель	20
1.4.2. Гуашь.....	24
1.4.3. Темпера	25
1.4.4. Бистр	26
1.4.5. Тушь	26
1.5. ҚОФОЗТУРЛАРИ.....	27
1.6. МҮЙҚАЛАМ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ	32
1.6.Перо	33

II БОБ. ЛИТОГРАФИЯ

2.1 ЛИТОГРАФИЯ ТАРИХИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРА- ЁНЛАРИ.....	35
2.2. ЛИТОГРАФИЯДА ИШЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	40

2.2.1. Тош танлаш	41
2.2.2 Тошни (шлифовка) тозалаш ва ишлов берини.....	42
2.2.3 Тошга сурат тушириши ва ишлаш жараёни.....	43
2.2.4 Тошда ишлашнинг умумий қоидалари	50
2.3 ТОШНИ БОСИШ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ	53

III. БОБ АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАР

3.1 КУЗГИ МЕВАЛАР, ИДИШ ВА ПРЕДМЕТЛАРДАН ИБОРАТ НАТЮРМОРТНИ ТОШБОСМАДА ИШЛАШ.....	57
3.1.1 Натюрморт хақида тушиунча.....	57
3.1.2.Натюрмортни қофозга ишлаш жараёни	58
3.1.3. Ишланган тасвирни тошга кўчириши	61
3.1.4. Кимёвий ишлов берини ва босма нусха олини	61
3.2. УСТОЗ РАССОМЛАР ЛИТОГРАФИЯ АСАРИДАН ҚОФОЗГА НУСХА КЎЧИРИШ.....	66
3.2.1. Литографияда ишланган бирор буюк рассомнинг асаридан намуна олиб қофозга қаламда нусха кўчириши.	66
3.3 АРХИТЕКТУРА ИШТИРОКИДА ТОШБОСМАДА МАНЗАРА ИШЛАШ.....	67
3.3.1. Манзара турлари ва тошбосма асарларни ўрганиши.....	67
3.3.2. Манзарани қофозга ишлаш жараёни.....	68
3.3.3. Манзарани чизишни тугатиш, тасвирни тошга кўчириши	70
3.4. УСТОЗ ГРАФИК РАССОМЛАРНИНГ МАНЗАРА АСАРИДАН ҚОФОЗГА НУСХА ОЛИШ.....	71
3.4.1. Буюк рассомнинг литография асаридан қаламда қофозга нусха кўчириши.....	71
3.4.2. Суратни калька орқали кўчириши ва унга ишлов берини.....	72
Глоссарий	75
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	78

Ўқув қўлланма

Н. АБДУЛЛАЕВ, Ж. РАШИДОВ.

ГРАФИКА АШЁЛАРИДА ИШЛАШ

ўқув қўлланма

Муҳаррир: Дурдона Одилова

Мусахҳих: Севара Рустамова

Саҳифаловчи: Умид Раҳматов

Техник муҳаррир: Баҳодир Ҳусанов

Лицензия рақами: AI №207, 08.28.2011 йилда берилган.

Босишга 9.07.2018 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Нашр табоғи 5,5.

Шартли босма табоғи 5,0. «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Адади 100 нусха.

Ушбу қўлланма бўйича фикр-мулоҳазаларингизни қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

«Info Capital Group» нашриёти, 100128,

Тошкент ш., Лабзак кўч., 29/55.

Тел.: (+998 71) 241-32-21, 241-01-69.

Факс: (+998 71) 241-01-73.

Электрон почта қутиси: info@infocapital.uz



 INFO CAPITAL
GROUP

ISBN 978-9943-53411-7



9 789943 534117